

ҚУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**НЕФТ ВА НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ
ОМБОРХОНАЛАРИ**

ҚМҚ 2.09.19 - 97

**РАСМИЙ НАШР
(Ўзбекча – русча)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ**

ТОШКЕНТ 1997

УДК 621. 642. 07:665. 5/6/0.83.75

ҚМҚ 2.09.19-97 «Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналари/ ЎзР Давархитектқурилишқўм - Тошкент, 1997, 64 бет.

ИШЛАБ ЧИКИЛГАН: ЎзбекНИПИнефтегаз», «Нефтегазнаука» ИИБ, «Ўзбекнефтегаз» МК (Ш.М.Акрамов - мавзу раҳбари, С.И. Циганова - масъул ижрочи, Э.Д.Ким, Т.А.Саркисянц, И.А.Хакимов – ижрочилар) томонидан.

МУҲАРРИРЛАР: Ф.Ф.Бакирхонов (ЎзР Давархитектқурилиш кўмитаси), В.В.Домахни, С.И.Циганова.

ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАДИЛАР: Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш кўмитасининг лойиҳавий ишлар Бошқармаси (К.М. Холмирзаев).

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҚМҚ 2.09.19-97 «Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналари» жорий қилиниши муносабати билан СНИП П.-106-79 «Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналари» ўз кучини йўқотади.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўмининг рухсатсиз расмий нашр сифатида тўлиқ ёки қисман кўчирилиши, кўпайтирилиши ва тарқатилиши мумкин эмас.

| | | |
|--|--|----------------------------|
| Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (давтархитектқурилишқўм) | Қурилиш меъёрлари ва қоидалари | ҚМҚ 2.09.19-97 |
| | Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналари | СНиП П. - 106-79 ўрнига |

1 Умумий ҳолатлар

1.1 Ушбу меъёрларга нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарининг янгиларини қуришда, кенгайтиришда ва қайта қуришда риоя қилиш лозим.

Изоҳ. Хоссаларига боғлиқ равишда, жумладан, портлаш, портлашаланганиш ва ёнғин ҳавфи хоссалари бўйича нефт ва нефт маҳсулотларини сақлаш шароитларига ўхшаши, осон алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар омборхоналарини лойиҳалашни осон алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларнинг омборхоналари (ҚМҚ нинг) қарам бўлган вазирликлар ва маҳкамалар белгилаб берувчи ушбу бобига мос тарзда бажаришига рухсат берилади.

1.2 Ушбу меъёрлар қуйидагиларни лойиҳалашда қўлланилмайди:

мудофаа вазирлиги нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарини;

суюлтирилган газлар омборхоналарини;

тўйинган буғларининг босими 0,1 МПа (700 мм сим.уст.)дан ортик бўлган нефт маҳсулотлари омборхоналарини;

синтетик ёнғиннинг ўрнини босувчилар омборхоналарини;

тоғ жинсларидаги ер ости ва тош туз қатламларидаги омборхоналарни;

нефт ва нефт маҳсулотларининг технологик қурилмалари таркибига кирувчи ҳовзалари ва бошқа сифимларини.

1.3 Ишлаб чиқаришларни (биноларда ҳамда нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналаридаги иншоотларда жойлаштирилувчи портлов, портлов-алангаланиш ва ёнғин ҳавфи бўйича тоифалашни технологик лойиҳалаш меъёрлари бўйича ёки ишлаб чиқаришларнинг курсатилган тоифалари учун белгиланган тартибда тасдиқланган махсус рўйхатлар бўйича бажариш лозим.

1.4 Буғларининг алангаланиш ҳароратига боғлиқ равишда нефт ва нефт маҳсулотларни, алангаланиш ҳарорати 61° С ва ундан паст бўлган енгил алангаланувчи ҳамда алангаланиш ҳарорати 61° С дан юқори бўлган, ёнувчан гуруҳларга ажратилади.

Изоҳ: Келгусида кисқалик мақсадида нефт ва нефт маҳсулотларини, агар меъёрлар ҳам нефт, ҳам нефт маҳсулотларига оид бўлса, уларни суюқликлар дейишига рухсат берилади.

1.5 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарини икки гуруҳга - биринчи ва иккинчи гуруҳга ажратилади:

| | | |
|--|---|---|
| Киритилли «Ўзбекнефтгаз» Миллий корпорация, «Нефтегазнаука» ИИБ, «ЎзбекнефтегазИТЛИ» институту томонидан | Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 1996 йил 11 сентябрдаги № 88-сонли буйруғи билан тасдиқланди | Ишга тушуриш санаси 1997 йил 1 январ |
|--|---|---|

биринчи гуруҳга нефт ва нефт маҳсулотларини сақлаш ва турлича истеъмолчиларни улар билан таъминловчи омборхоналар; нефтни қайта ишловчи ва нефткимёвий корхоналарнинг маҳсулот - хомашё омборхоналари (парклари); бош нефт узатгич ва нефт маҳсулотларни узатувчи насос станцияларнинг резервуар парклари; нефт ва нефт маҳсулотларни жўнатиш омборлари (базалари) киритилади;

иккинчи гуруҳга корхоналар (саноат, нақлиёт, энергетик ва хоказо) таркибига кирувчи нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналари киради.

Изоҳлар: 1 Биринчи гуруҳ омборхоналарини лойиҳалаш меъёрлари ушбу ҚМҚ нинг 2-11 бўлимларида, иккинчи гуруҳ омборхоналариники эса, 11 бўлимида келтирилган.

ҚМҚ нинг ушбу боби 11.1 бандида кўрсатилганидан каттароқ ҳажмли иккинчи гуруҳ омборхоналари биринчи гуруҳ омборхоналари меъёрлари буйича лойиҳаланиши лозим.

2 Нефт маҳсулотларини сақлаш ва истеъмолчиларни таъминлашга мўлжалланган 1000 м³ гача ҳажмли енгил алангаланувчи нефт маҳсулотларига ёки 5000 м³ гача ёнувчан нефт маҳсулотлари учун омборхоналарни иккинчи гуруҳ омборхоналари меъёрлари буйича лойиҳалашга рухсат берилади. Бир вақтда енгил алангаланувчи ва ёнувчи нефт маҳсулотларини сақлаш учун бундай ҳажмларни ҚМҚ ушбу бобининг 4.3-бандига изоҳ буйича аниқланади.

1.6 Нефт ва нефт маҳсулотларини ховзаларда сақлаш ҳажмлари, шунингдек омборхона бинолари ва иншоотлари қуйидагиларга оиддир:

агар ховзадаги суюқликнинг ёки бинога ёки омборхона иншоотига қўйилган суюқликнинг энг юқори сатҳи яқиндаги текис

майдоннинг энг паст белгисидан камида 0,2 м пастрокда (идиш ёки бино, ё иншоот деворидан 3 м масофаларда) бўлса, ер ости омборхонаси дейилади; агар юқоридаги шартларни қаноатлантирмаса, ер усти омборхоналари дейилади.

Изоҳлар:

1 Грунт сепиш кенглиги босган сувнинг гидростатик босимида ҳисоблаш орқали белгиланиб, тик идишлар (цилиндрик ва тўғри бурчакли) ҳолида у камида 3 м ҳамда уфқий (цилиндрик) идишлар ҳолида идиш деворининг исталган нуқтасидан сепма қиялилигачи камида 3 м бўлиши лозим.

2 Нефт ва нефт маҳсулотларини сақлаш ховзаларини ёпиқ хоналарда жойлаштиришга рухсат берилмайди.

1.7 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарининг ишлаб чиқариш ва омборхона биноларини (маҳсулот хоналар, насос станциялари, куйиш, ўлчаш ва тарқатиш, нефт маҳсулотларни ховзаларда сақлаш, лабораториялар ва б.) саноат корхоналари ишлаб чиқариш биноларини лойиҳалаш буйича ҚМҚ бобларини ҳамда умумий мақсадли омборхона бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш буйича ҳамда ҚМҚ нинг ушбу боби меъёрларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш лозимдир.

1.8. Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналари иншоотларини (эстакадаларни, каналларни, ер ости йўллари ва б.) ҚМҚ нинг саноат корхоналари иншоотларини лойиҳалаш буйича боби асосида, ҚМҚ нинг ушбу боби меъёрларини ҳам ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш лозим.

1.9. Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарида ишловчилар ва маиший биноларини лойиҳалаш бобига мос тарзда лойиҳалаш лозим.

1.10. Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарининг бино ва иншоотлари (металл ҳовзалардан ташқари) оловга бардошлилиги жиҳатидан камида II даражали бўлиши лозим.

1.11. Омборхоналарнинг нефт ва нефт маҳсулотларини ташиш қувур-ўтказгичларини, нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарини технологик лойиҳалашнинг белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлари, пўлат қувур-ўтказгичларни мустаҳкамликка ҳисоблаш бўйича ҚМҚ 2.04.06-96 боблари, Ру си 10 МПа гача ҚМҚ 2.04.12-97 ҚМҚ 2.04.04-96 бўлган технологик пўлат қувур-ўтказгичларни лойиҳалаш бўйича йўриқнома ҳамда ҚМҚнинг ушбу боби меъёрлари асосида лойиҳалаш лозим.

1.12. Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналари бинолари ва иншоотларининг қурилиш конструкцияларини коррозиядан ҳимоялашни қурилиш конструкцияларини ҳимоялаш бўйича ҚМҚ 2.03.11-96нинг тегишли бобига мос тарзда кўзда тутилиши лозим.

Нефт ва нефт маҳсулотлари учун қувур-ўтказгичларни коррозиядан ҳимоялашни қуйидаги ҳолларда кўзда тутилиши лозим:

ГОСТ 25812-83 га мос тарзда ер остида ва ер устида ётқизилганда;

технология талабларига кўра, иситиладиган қувур-ўтказгичларни кечувсиз анҳорларда ёки ер устида ётқизувда - қувурлар ташки сиртини ҳимоялашнинг иссиқлик тармоқларини лойиҳалаш бўйича ҚМҚнинг боби асосида қувур-ўтказгичларни

ётқизишнинг кўрсатилган усуллари учун белгиланган меъёрларга мос тарзда.

1.13. Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарининг лойиҳалашда атроф табиий муҳит (сув ҳовзаларининг, тупроқнинг, ҳавонинг) ифлосланишининг олдини олувчи тадбирлар кўзда тутилиши лозим.

1.14. Ишлатилиб бўлинган нефт маҳсулотларининг йиғув жойлари бинолари ва иншоотларини биринчи гуруҳ омборлари меъёрлари бўйича лойиҳалаш лозим. Ишлатилиб бўлинган нефт маҳсулотларининг тавсифи ва чакнаш ҳарорати ишлатилиб бўлинган нефт маҳсулотлари учун ГОСТ 21046-81 бўйича умумий техникавий шартларни мос тарзда қабул қилиниши лозим.

1.15 Атамалар ва таърифлар мажбурий иловада келтирилган.

2 Биринчи гуруҳ омборлар.

Бош режа

2.1. Нефт ва нефт маҳсулотлари учун биринчи гуруҳ омборхоналар ҳажмларига қараб, 1-жадвалга кўра учта тоифага ажратилади.

2.2. Портлаш ҳавфи, портлаш ёнғин ҳавфи ва ёнғин ҳавфи ишлаб чиқаришли нефт ва нефт маҳсулотлари бинолари ва иншоотларидан (жумладан, идишларда сақлаш парклари ҳамда тўкиш-қуйиш қурилмаларидан) қўшни корхоналар, аҳоли яшайдиган манзилларнинг яшаш ва жамоат бинолари ва иншоотларигача масофаларни 2-жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

| Омборхонанинг сигим бўйича тоифаси | Омборхонанинг сигими, м ³ |
|------------------------------------|--------------------------------------|
| I | 100000 |
| II | 20000 дан ортиқ 100000 гача |
| III | 20000 гача |

Изоҳ: Омборхона сигими, қўйиш-тақсимлаш қурилмаларининг 5 оралиқ ховзалари ҳамда омборхонанинг қозон-хонаси ва дизел электростанциясининг сарф ховзалари сигимларини истисно қилганда, нефт ва нефт маҳсулотларини сақлаш ховзалари умумий сигими билан белгиланади

Изоҳ. Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарини дарёдаги сув четидан 200 м дан ортиқроқ масофада жойлаш-тирилганда, омборхоналарни лойиҳалашда кўрсатилган талабларни ҳисобга олмаса ҳам бўлади.

2.3 Нефт ва нефт маҳсулотларини сақлаш парклари, қоидага кўра, қўшни аҳоли яшаш манзиллари, корхоналар, темир йўллар-нинг умумий тармоқлари белгиларига нисбатан пастроқ белгиларда жойлаштирилишлари лозим.

Нефт ва нефт маҳсулотларини сақлаш паркларини шу паркдан кўпи билан 200 м узоқда жойлашган қўшни аҳоли яшайдиган манзиллар, корхоналар ва темир йўллар умумий тармоғига нисбатан юқорироқ

белгига эга бўлган майдончаларда жойлаштирилган ҳолларда ер устидаги нефт ва нефт маҳсулотларининг аҳоли манзилларига, корхоналарига ёки темир йўл умумий тармоғига ёйилиши юз берганда аварияни олдини олиш бўйича тегишли давлат назорати маҳкамалари билан келишилган тадбирлар (ер ости авария омборлари, авария юз берганда нефт ва нефт маҳсулотларини олиб кетиш ариқлари ва б.) кўзда тутилиши лозим.

| Ўлчанадиган масофалар бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар | Бинолари ва иншоотларидан бошлаб масофалар ўлчанадиган (м) омборхоналар тоифаси | |
|---|---|------------|
| | I | II ва III |
| 1. Қурилиш корхоналар бинолар ва иншоотлари | 100 | 40 |
| 2. Ўрмон массивлари: | | |
| игнабаргли жинслар | 100 | 50 |
| тилоғоч жинслар | 20 | 20 |
| 3. Омборхоналар ўрмон материаллари, торфлар толадор моддалар, пичан, похол учун | 100 | 50 |
| 4. Умумий тармоқ темирйўллари: | | |
| станцияларда | 100 | 80 |
| айрилиш ва сахнлар-да харакат йўлида | 80 | 60 |
| | 50 | 40 |
| 5. Умумий тармоқ автомобил йўллари: | | |
| I,II ва III тармоқ | 50 | 30 |
| IV ва V | 30 | 20 |
| 6. Аҳоли манзилларининг тураржой ва ижтимоий бинолари | 200 | 100 |
| 7. Умумфойдаланадиган автотаъминот станцияларининг тарқатиш колонниялари | 30 | 30 |
| 8. Электр узатиш хаво линиялари | ЭЎҚ бўйича | ЭЎҚ бўйича |

Изоҳлар:1. Жадвалда кўрсатилган масофалар қуйидагича аниқланади: бинолар ва ишиоотлар орасида(ҳовзаларни ҳам ҳисобга олган ҳолда) - таиқи деворлар орасидаги масофа тарзида; умумий тармоқ темир ва автомобил йўлларигача – тегишли йўллар тасмаси чегарасигача; темирйўл цистерналари учун қуйиш тахсимлаш қурилмаларидан-қуйиш-тақсимлаш эстакадали темирйўл изи ўқидан бошлаб; майдончалардан (очиқ ёки соябон остида автомобил цистерналари, насослар, ҳовзалар ва боиқалар учун қуйма-тарқатма қурилмаларга) - бу майдончаларнинг чегараларидан бошлаб.

2 Сигими 50 минг м³ дан ортиқ сигимли II тоифа омборхоналарнинг биноларидан ва ишиоотларидан масофаларни жадвалнинг 1-банди бўйича -100 м,6 банди бўйича - 200 м қилиб олинсин.

3. Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарини ўрмон массивларида жойлаштиришида, уларни қуриш дарахтларни кесиш билан боғлиқ бўлгани сабабли, жадвалнинг 2-бандида кўрсатилган игнабаргли ўрмон массивигача масофани икки марта қисқартиришига рухсат барилади.

4. Омборхоналар бинолари ва ишиоотларидан торф очиқ жойлашган жойларигача масофани, агар жадвалнинг 3-бандида кўрсатилган тегишли тоифа омборхоналар бинолари ва ишиоотларигача масофанинг ярми чамасида очиқ ётган торфни камида 0,5 м қалинликдаги тупроқ қатлами билан ёпиш шартида, икки марта қисқартиришига рухсат берилади.

5. Магистрал нефтўтказгичларнинг ва нефт маҳсулот ўтказгичларнинг насос станциялари ҳовза паркларидан корхоналар бинолари ва ишиоотлари, аҳоли яшайдиган жойлар ва боиқа объектларгача масофани магистрал қувурўтказгичларни лойиҳалаш бўйича ҚМҚнинг бобида мос тарзда айнан насос станциядан бошлаб ҳисоблаш лозим.

6. Нефт ва нефт маҳсулотлари бинолари ва ишиоотларидан электр қурилмаларигача (РУ, ТП, ПП ва б.) масофаларни собиқ СССР энергетика Вазирлиги тасдиқлаган электр қурилмалар ўрнатиш қоидаларига (ЭЎҚ) мос тарзда қабул қилиш лозим.

7. Нефт ва нефт маҳсулотларининг иккита ёнма-ён жойлашган омборхоналаридан жадвалда кўрсатилган бинолар, ишиоотлар ва объектларгача масофани, уларнинг тоифасини ҳар иккала омборнинг йиғинди сигими бўйича аниқлаган ҳолда, жадвал бўйича айнан битта омборхона деб қабул қилиш лозим; ёнма-ён жойлашган омборхоналарнинг бинолари ва ишиоотлари орасидаги масофалар камида битта омборхона бинолари ва ишиоотлари учун ушбу бўлимда белгиланганидек бўлиши лозим.

8 Жадвалда кўрсатилган масофалар чегарасида, омборхоналар худудларидан таиқарида тилогоч жинс ёгоч-бута, боғдорчилик, полизчилик кўчатлари ўтқазили ҳамда ёнмайдиган материалларнинг очиқ омборхоналарини жойлаштиришига рухсат берилади

Шунингдек, кўрсатилган тадбирлар нефт ва нефт маҳсулотларни сақлаш парклари сув ҳавзалари жойлашган полосада сув четидан кўпи билан 200 м гача (сувнинг энг юқори сатҳида) масофада бўлганда ҳам кўзда тутилиши лозим.

2.4 Даре суви четидан 200 м масофада ва ундан бериоқда (сувнинг энг юқори сатҳида) қирғоқда жойлаштирилувчи нефт ва нефт маҳсулотлари омборлари, қоидага кўра, кемалар тўхтайдиган жойлардан, дарё вокзалларидан, кема юриш

соҳаларидан ҳамда флотнинг доимий туриш жойларидан, гидроэлектр станциялардан, гидротехник иншоотлардан, кемасозлик ва кема таъмирлаш заводлардан (дарё оқими бўйича) пастрокда ҳамда улардан камида 100 м масофада жойлаштиришлари лозим.

Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарини кўрсатилган объектлардан юқориоқда (дарё оқими бўйича) қуйидаги масофаларда жойлаштириш мумкин: гидро-электр станциялардан,

кемасозлик ва кема таъмирлаш заводларидан I тоифа омборхоналарни - 3000м, II тоифадаги омборхоналарни - 2000 м, III тоифа омборхоналарни 1500 м ҳамда қолган объектлардан 1000 м да.

2.5 Нефт ва нефт маҳсулотлари ер усти ҳовзаларидан омборхона бинолари ва иншоотларигача масофани 3 - жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

3-жадвал

| Масофалар ўлчадиган омборхона бинолари, иншоотлари | Ер устидаги ҳовзалардан бошлаб масофалар ўлчанадиган омборхона тоифаси (м) | |
|---|--|------------|
| | I | II, III |
| | 1 Кемалар учун қуйиш-тақсимлаш қурилмалари (қуйиш - тақсимлаш пирслари ва кема тўхташ жойлари) | 75 |
| 2 Темирйўл цистерналари учун қуйиш-тақсимлаш қурилмалари (темирйўл қуйиш-тақсимлаш эстакадалари), ҳовзаларга қўйилган нефт маҳсулотлари учун омборхона бинолари. | 30 | 20 |
| 3 Автомобил цистерналари (автоцистерналар) учун қуйиш-тақсимлаш қурилмалари, маҳсулот насос станциялари, маҳсулот насос станциялари сурмалари қисмлари учун бинолар ва майдончалар, ишлаб чиқариш оқова сувлари (нефтли ва нефт маҳсулотларига эга бўлган канализация насос станциялари, қуйиш-тақсимлаш ва тарқатиш мойлари, нефт маҳсулотларини ҳовзада сақлаш ва ҳовзаларни сақлаш учун (ишлатилган ёки енадиган тоза ёғочдан, пластмассадан ва ҳ.) майдончалар, ишлатилиб бўлинган нефт маҳсулотларини йиғиш пунктлари бинолари | 30 | |
| 4 Сув ўтказиш ва ёнғинга қарши насос станциялари, ёнғин депоси ва постлари, ёнғинга қарши сув ҳовзалари (идиш юкигача ёки ҳовуздан сув олиш жойларигача) ёрдамчи бинолар. | 40 | 40 |
| 5 Ишлаб чиқариш оқова сувларини (нефт ва нефт маҳсулотлари бўлган) тозалаш канализациявий иншоотлар: | | |
| а) тиндиргич ҳовузлар, буғлатгич ҳовузлар, шлам-йиғичлар | 30 | 30 |
| б) Флотция қурилмалари, тиндиргич идишлар ва ҳажми 400 м ³ ва ундан ортиқ бўлган нефт тутқичлар | 30 | 30 |
| в) ўшанинг ўзи, ҳажми 100 дан 400 м ³ гача | 15 | 15 |
| г) ўшанинг ўзи, ҳажми 100 м ³ гача | 10 | 10 |
| 6 Очиқ аланга қўлланиладиган (нефтни иситиш учун қозонхоналар, пайвандлаш жараёнлари ва бошқалар; ишлаб чиқариш жараёнли бинолар ва иншоотлар; | | |
| а) осон алангаланувчи нефт ва нефт маҳсулотлари бўлими ҳовзалардан бошлаб | 60 | 40 |
| б) ёнувчи нефт ва нефт маҳсулотлари бўлган ҳовзалардан бошлаб. | 60 | 30 |
| 7 Омборхонанинг бошқа бинолари ва иншоотлари | 20 | 20 |
| 8 Электр узатиш ҳаво линиялари | ПЭУ бўйича | ПЭУ бўйича |
| 9 Автомобил йўллари ва кичик йўллар (қатнов йўл чети) | 15 | 9 |

| Масофалар ўлчадиган омборхона бинолари, иншоотлари | Ер устидаги ҳовзалардан бошлаб масофалар ўлчанадиган омборхона тоифаси (м) | |
|---|---|---------|
| | I | II, III |
| | <p><i>Изоҳлар: 1. Жадвалнинг 1-бандида кўрсатилган масофада тўхташ ўрнида турган ҳисобий кема корпусининг энг яқин қисмигача олинади, жадвалда кўрсатилган қолган масофалар ушбу бўлимнинг 2-жадаалидаги изоҳга мос тарзда аниқланади.</i></p> <p><i>2. Ер усти ҳовзаларидан бинолар ва иншоотларгача, оловбардошлик чегараси камида 2 соат бўлган туташи (бўи оралиқларсиз) девор томонидан масофаларни 10 % га камай-тиришига рухсат берилади.</i></p> <p><i>3. Ҳар бирининг сизими кўпи билан 5000 м³ бўлган ер усти ҳовзали III тоифа омборхоналар учун шу ҳовзалардан, автоматик ёнғин ўчириши қурилмалари билан жиҳозланган бинолар ва иншоотларгача (жадвалнинг 4- ва 6-бандларида кўрсатилганлардан ташқари) масофани 25 % гача қисқартиришига рухсат берилади.</i></p> <p><i>4. Ер ости ҳовзаларидан бошлаб жадвалда кўрсатилган масофаларни 1-3, 5,7 ва 9- бандлар бўйича 50 % га қисқартиришига рухсат берилади.</i></p> <p><i>Ер остидаги ҳовзалардан чуқурда жойлаштирилган маҳсулот насос станцияларигача туташи (бўи оралиқларсиз) деворлар томонидан масофаларни 3 м гача камайтиришига рухсат берилади.</i></p> <p><i>5. Мойларни тортиши насос агрегатларини мойли идишлардан 5 м масофада жойлаштиришига рухсат берилади.</i></p> <p><i>Портлашдан ҳимояланган ботирма электр насосларни бевосита идишлар ичида жойлаштиришига рухсат берилади.</i></p> <p><i>6. Нефт ва нефт маҳсулотлари ҳовзаларидан тоза металл идишлар сақланадиган майдончаларгача, шунингдек, канализация тозалаш иншоотларидан (нефтни тутқичлардан, тиндиргич ҳовузлардан ва бошқалардан) йиғгич-идишларгача ва ушбу иншоотлардан олиб кетилувчи чўкмалар майдончаларигача масофалар меъёрланмайди.</i></p> <p><i>7. Магистрал нефт ўтказгичларнинг станциясининг ишлаб чиқариши қобилияти 10 000 м³/соат ва ундан ортиқ бўлган I тоифа омборхоналаридаги насос станциялар ҳовзаларидан жадвалнинг 6-вазиятида кўрсатилган масофаларни 80 м қилиб қабул қилиши лозим.</i></p> | |

2.6 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналари бинолари ва иншоотларидан (ҳовзаларни ва 3- жадвалнинг 5- ва 6- бандларида кўрсатилганлардан ташқари) енгил алангаланувчи нефт ва нефт маҳсулотлари учун куйиш-тақсимлаш қурилмаларигача масофа камида 15 м, ёнувчилари учун эса - 10 м бўлиши лозим.

Дарё кемаларидан нефт ва нефт маҳсулотларини тортиб олувчи насос станцияларини бевосита ёнмайдиган материаллардан қурилган бандаргоҳларда жойлаштиришига рухсат берилади.

2.7 Очик алангадан фойдаланувчи ишлаб чиқариш жараёнига эга бўлган (3-1 жадвалнинг 6 б.қ.)

омборхонанинг бинолари ва иншоотларидан куйиш-тақсимлаш қурилмаларигача (темирўл ва автомобил цистерналари, денгиз ва дарё кемалари учун), маҳсулот насос станциялари, насос станциялари сургичлари тугунлари учун майдончаларигача, ишлаб чиқариш оқава сувлари (нефт ва нефт маҳсулотли) учун канализация насос станциялари ва тозалагич иншоотларигача, қуювчи, тақсимловчи ва тарқатувчи, омбор бинолари ва нефт маҳсулотларини ҳовзаларда сақлаш учун майдончаларгача ҳамда ишлатилган ҳовзаларни сақлаш майдончаларигача масофа енгил алангаланувчи нефт ва нефт

маҳсулотлари учун 40 м ва ёнувчилар ҳолида 30 м бўлиши лозим.

Изоҳ: Темирйўл цистерналари учун куйиш-тақсимлаш, маҳсулот насос станцияларигача, сургич тугунларигача, магистрал нефтўтказгичларнинг ишлаб чиқариш қобилияти 10000 м³/соат ва ундан ортиқ бўлган насос станциялар майдончаларидаги насос станциялар сургич тугунларигача юқорида кўрсатилган масофаларни 60 м гача узайтириши лозим.

2.8 Суюқлик сирти очик бўлган ишлаб чиқариш оқава сувлари (нефтли ва нефт маҳсулотлари бўлган) учун канализациявий тозалов иншоотлари (тиндиргич ҳовузлар, нефтгутқичлар ва ш.ў.) дан омборхона бинолари ва иишоотларигача (ҳовзалар ва 3 – жадвалнинг 6-бандида кўрсатилган бинолар иншоотларни истисно қилганда) масофа камида 30 м, қолган канализация тозалов иншоотларигача 15 м бўлиши лозим.

Канализациявий тозалов иншоотларининг бинолари ва иншоотлари орасидаги масофани нефт ва газ

саноати корхоналарни, бинолари ва иншоотларини лойиҳалашдаги меъёрларга мос тарзда қабул қилиш лозим.

2.9 Ҳовзаларга солинган нефт маҳсулотлари учун омборхона биноларини темир йўл изларига нисбатан қурилмаларнинг яқинлашиш ўлчамларига мос тарзда ГОСТ 9238-83 бўйича жойлаштиришга рухсат берилади.

2.10. Омборхонанинг бинолари ва иншоотлари орасидаги, ҚМҚ нинг ушбу бобида кўрсатилганлардан ташқари масофаларни, шунингдек муҳандисий тармоқларни жойлаштиришни ҚМҚ нинг саноат корхоналарининг бош режаларини режалаштириш бўйича бобига мос тарзда қабул қилиш лозим.

2.11. Омборхонанинг нефт ва нефт маҳсулотларини ташиш қувурўтказгичларидан (босими 2,5 МПа 25 кгк/см²) гача бўлган) омборхонанинг бинолари, иншоотлари ва бошқа муҳандисий тармоқларигача масофани 4-жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

4-жадвал

| Масофалар аниқланадиган бинолар, иншоотлар ва муҳандисий тармоқлар | Қувурўтказгичлардан энг кичик масофа, м | |
|---|---|--|
| | Ер устида | Ер остида (жумладан каналларда, |
| 1. Омборхонанинг бинолари ва иншоотлари пойдеворлари (нефт ва нефт маҳсулотлари учун ҳовзалардан ташқари) | 3 0,5 | 3 |
| 2. Нефт ва нефт маҳсулотлари учун ҳовзалар | 3 | 4, лекин идиш пойдеворигача ҳандақ чуқурлигидан кам эмас |
| 3. Омборхона тўсиқлари, ёритиш мачталари, йўллар таянчлари, эстакадалар, қувурўтказгичлар, контакт тармоқлари ва алоқа пойдеворлари | 1 | 1,5 |
| 4. Кенглиги 1520 мм ли темир йўл излари ўқи | 4 | 4, лекин тўкма |

| | | пайгача ҳандак чуқурлигидан кам эмас |
|--|-----|--|
| 5. Автомобил йўллари: | | |
| Ҳошия тош | 1,5 | |
| Ариқнинг ташқи чети ёки тўкма пойи | 1 | 1,5 |
| 6. Электр узатишнинг ҳаво линиялари таянчлари пойдеворлари: | | 1 |
| 1кВ гача ва ташқи ёритиш | 1 | |
| 1 дан 35 кВ гача | 5 | 1,5 |
| 35 дан юқори | 10 | 5 |
| 7. Сувўтказгич, канализация, зовурлар ва сув новлари. | 1,5 | 10 |
| 8. Иссиқлик ўтказгичлар (каналнинг ташқи деворигача) | 1 | 1,5 |
| 9. 35 кВ гача кабеллар ва алоқа кабеллари | 1 | 1 |
| | | 1 |

Изоҳлар: Қавс ичида бўш оралиқлари бўлмаган девор томондан бинолар пойдеворларигача масофа кўрсатилган.

2 Жадвалда кўрсатилган нефт ва нефт маҳсулотлари учун қувурўтказгичлардан темир йўл ўқларигача, шунингдек жадвалнинг 1 ва 2-бандларида келтирилган бинолар ва иншоотларгача масофалар тегишлича темир йўл куйиш-тақсимлаш эстакадалари қувурўтказгичлари ва бу қувурўтказгичларнинг бинолар ва иншоотларга кирувига (тармогига) оид эмас, иссиқлик ўтказгичларгача масофалар эса, нефт, мазут ва мой қувурўтказгичларнинг, технология талабларида кўзда тутилган иситиш тизимларига оид эмас

2.12 Нефт ва нефт маҳсулотлари учун омборхонадан ташқарида (куйиш-тақсимлаш кема бекатларига, темирйўл эстакадаларига, қозонхона қурилмаларига ва омборхонанинг автотаъминот станцияларига, нефт ва нефт маҳсулотларининг қўшни омборхоналарига) ётқизиладиган ер ости қувурўтказгичларидан контакт тармоғи ва алоқа таянчлари ихотасигача, темирйўл ва автомобил йўлларигача, электр узатиш ҳаво линиялари таянчлари пойдеворигача масофани шаҳарларни, даҳаларни ва қишлоқ аҳоли манзилларини режалаштиришни лойиҳалаш буйича ҚМҚ нинг бобига мос тарзда юқори босимли газўтказгичлар учун (0,6 дан юқори 1,2 МПа гача (6 дан юқори 12 кгк/см² гача) белгиланган масофага тенг қилиб олинади.

Кўрсатилган қувурўтказгичлардан бинолар ва иншоотлари пойдеворигача масофани куйидагича

кабул қилиш лозим: диаметри 300 мм гача бўлган қувурўтказгичлардан - 15 (10) м ва диаметри 300 мм дан ортиқ қувурўтказгичлардан – 25 (15) м.

Изоҳлар: 1. Қавс ичидаги масофа фақат ёнувчи нефт ва нефт маҳсулотли қувурўтказгичлар учун кўрсатилган.

2 Нефт ва нефт маҳсулотлар учун кўрсатилган қувурўтказгичларни киргоқ зонада ҳовзадаги сув четидан (минимал сатҳда) 200 м гача масофада ва аҳоли яшайдиган манзилда ётқизилганда қувурўтказгичларни ишлатиш ишончилигини ошириш тадбирлари, жумладан барча пайванд чокларини физикавий усуллар билан 100 фоиз назорати қувурўтказгичларни икки қарра ишчи босимга тенг, бироқ барча ҳолларда қувур метали оқши чегарасининг 0,9 га тенг кучланишини юзага келтирадиган босимдан ортиқ бўлмаган босимда синаш, қўвурўтказгичларда босим тушганда маҳсулот насосларининг автоматик узилиши, кўрсатилган қувурўтказгичларни узиб қўйиш учун ёпқич арматура кўзда тутилиши лозим.

3 Нефт ва нефт маҳсулотлари учун кўрсатилган қувурўтказгичларни аҳоли яшаш манзилларининг сел босиш зонасида ётқизиш шартлари белгиланган тартибда келишилиши лозим.

2.13 Ҳовза парклари чегаралари буйича, ҳовзалар гуруҳлари орасида ва қуйиш-тақсимлаш қурилмалари майдончаларига ўтиш учун, қоидага кўра, юриш қисми кенглиги 3,5 м ва ўтма тур қопламали ўтиш йўллари лойиҳалаш лозим.

Йўллар ва ўтишларни ўраб лойиҳалашга руҳсат берилмайди. Ички автомобил йўллар ва ўтувлардан нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарининг портлов ёнғин ҳавфли ва ёнғин ҳавфига эга бўлган биноли (ҳовзалардан ташқари) бинолари ва иншоотларигача масофани камида 5 м қилиб олиш лозим.

2.14 Нефт ва нефт маҳсулотларининг I ва II тоифали омборхоналари умумий тармоқ автомобил йўлларига ёки омборхона ўтиш йўлига иккита чиқувга эга бўлишлари лозим.

2.15. Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналари худуди, темир йўл эстакадаларидан 15 м масофада жойлашган, икки томондан (энг яқин йўл ўқидан бошлаб ҳисобланганда) ҳамда омборхонанинг бошқа бинолари ва иншоотларидан (бошқарма ва ёрдамчи бинолардан ташқари) 5 м масофада қуйиш-тақсимлаш қурилмалари билан жиҳозланган 2 м баландликли тўсиққа эга бўлиши лозим.

2.16. Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналари майдонларидаги қурилмалар зичлиги камида, I тоифа омборхоналар учун - 30 %, II тоифалари учун - 25 %, III тоифалари учун - 20 % бўлиши лозим.

3 Ҳовзалар парклари

3.1 Нефт ва нефт маҳсулотлари учун ҳовзалар ҚМҚ нинг саноат корхоналари иншоотларини лойиҳалаш буйича боби ва ҚМҚ нинг ушбу боби меъёрларига мос тарзда лойиҳаланишлари лозим.

Нефт ва нефт маҳсулотлари ҳовза парклари учун меъёрий ўлчамлардаги намунавий ҳовзалардан фойдаланиш лозим.

3.2. Нефт ва нефт маҳсулотларининг ҳовзалари парклари учун, уларнинг тоифалари ва гуруҳларидан қатъий назар, идиш турлари ГОСТ 1510 - 84 талабларига мос тарзда қўлланиши лозим. Қотиш ҳарорати 0°C дан юқори бўлган, улар учун сузувчи қопқоқли ёки понтонли ҳовзалар қўлланиши мумкин бўлмаган нефт ва нефт маҳсулотлари учун, тўйинган буғлари босимидан қатъий назар, барқарор қопқоқли ҳовзалар кўзда тутилмоғи лозим.

3.3. Ҳовзаларни, қоидага кўра, гуруҳлаб жойлаштириш лозим.

Битта гуруҳдаги ҳовзаларнинг умумий сифими қуйидагидан ортиқ бўлмаслиги лозим: сузувчи қопқоқли ёки понтонли ҳовза ҳолида сифими 50000 м³ ва ундан ортиқ сифимли ҳовзалар қўлланилганда - 200000 м³, ҳамда сифими 50000 м³ ва ундан ортиқ сифимли ҳовзалар қўлланилганда - 120000 м³; алангаланиш ҳарорати 45°C дан юқори бўлган нефт ва нефт маҳсулотлари сақланганда барқарор қопқоқли ҳовзалар ҳолида - 120000 м³ ҳамда алангаланиш ҳарорати 45°C ва ундан пастроқ бўлган нефт ва нефт маҳсулотлари сақланганда - 80000 м³.

Сузувчи копкақли ҳовзанинг сифими 120000 м³ дан ортиқ бўлмаслиги лозим, понтонли ёки барқарор копкақли ҳовзаники - 50000 м³.

Ер ости ҳовзасининг кўзгу сирти юзаси 7000 м² дан ортиқ бўлмаслиги, ер ости ҳовзалари гуруҳининг умумий кўзгу юзаси - 14000 м² дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Изоҳлар: 1 Сигими 10000 м³ ва ундан ортиқ бўлган ҳовзаларни бир қаторда ёки икки қаторда гуруҳлаб жойлаштириши лозим.

2 Сигими 50000 м³ ва ундан ортиқ бўлган сузувчи копкақли ёки понтонли ҳовзаларни қуришда навбатлаштирилади, бу лойиҳалашга буюртмада кўрсатилиши лозим; сигими 100000 м³ бўлган гуруҳларни қабул қилишга рухсат берилади.

3.4 Нефт ва нефт маҳсулотлари учун ер устида битта гуруҳда жойлаштирилувчи ҳовзаларнинг деворлари орасидаги масофа куйидагича бўлиши лозим:

сузувчи копкақли ҳовзалар ҳолида - 0,5 диаметр,

понтонли ҳовзалар ҳолида - 0,65 диаметр,

барқарор копкақли ҳовзалар ҳолида - 0,75 диаметр, лекин 9.8. бандда кўрсатилган ҳолдан бошқа барча ҳолларда, кўпи билан 30 м.

Изоҳлар: 1 Турли хил ва ўлчамли ҳовзалар орасидаги масофани шу хил ҳовзалар учун белгиланганиши энг каттасича қилиб олинади.

2 Нефт за нефт маҳсулотлари учун сигими 400 м³ гача бўлган ҳовзаларни умумий сигимни 4000 м³ гача гуруҳлаб битта майдончада жойлаштириши лозим, бу ҳолда ҳовзалар деворлари орасидаги масофа меъёрланмайди, сигими 400 м³ бўлган қўшни гуруҳларнинг энг яқиндаги ҳовзасигача масофани эса, 15 м қилиб олиши лозим.

3 Сигими 4000 м³ гача бўлган ушбу ер усти ҳовзаларининг ҳовзалар паркиннинг

ташқи тўсиғи (ўрамаси) дан ташқарида жойлашган ҳар бир гуруҳи туташ тупроқ уюми билан, ёки тик ҳовзалар ҳолида баландлиги 0,8 м бўлган уфқий ҳовзалар ҳолида 0,5 м ли девор билан ихоталаниши лозим. Ушбу ҳовзаларнинг деворларидан ўраманинг ички нишоби пасти четигача масофа меъёрланмайди.

3.5. Битта гуруҳ ер ости ҳовзаларининг деворлари орасидаги масофа камида 1 м бўлиши лозим.

3.6. Қўшни гуруҳларда жойлашган энг яқин ҳовзалар деворлари орасидаги масофа куйидагича бўлиши лозим:

ер усти ҳовзалариники - 40 м,

ер ости ҳовзалариники -15 м.

Изоҳлар: 1 Ҳар бир турук ер усти ҳовзалариники, ушбу ҳовзаларда сақланувчи барча суюқликни сигдирувчи алоҳида ўрада жойлаштирилганда қўшни ҳовзаларнинг юқориги четлари орасидаги масофани 15 м қилиб олиши лозим.

2 Сигими 20000 м³ ва ундан ортиқ бўлган ер усти ва ер ости (қўшни гуруҳларда жойлашган) ҳовзаларнинг деворлари орасидаги кўрсатилган масофани, муҳандисий тармоқлар ва йўлларнинг жойлаштирилиши билан асосланган ҳолда ошириши мумкин.

3.7 Ер усти ҳовзаларининг, ушбу бўлимнинг 3.3 - бандида кўрсатилган катталиклардан ортиқ бўлмаган умумий сифимли ҳар бир гуруҳи тепасининг кенглиги камида 0,5 м бўлган туташ, тупроқ уюми билан ёки ёйилиб, кетган суюқликнинг гидростатик босимига ҳисобланган девор билан тўсилиши лозим. Ҳовзалар гуруҳи ташқи тўсиғининг баландлиги ёйилган суюқликнинг ҳисобий ҳажми сатҳидан 0,2 м қадар юқори бўлиши, лекин сифими кўпи билан 10000 м³ бўлган ҳовзалар учун камида 1 м ҳамда сифими 10000 м³ ва

ундан ортиқ бўлган ҳовзалар учун 1,5 м бўлиши лозим.

Ўраманинг ички нишоби ёки тўсувчи деворлар орасида ҳосил бўлувчи ҳажми, гуруҳдаги энг катта ҳовза ёки якка турган ҳовза ҳажмига тенг бўлган ёйилган суёқликнинг ҳисобий ҳажми бўйича аниқланиши лозим.

Ҳовзалар деворларидан ўраманинг ички нишоби пастки четигача ёки тўсувчи деворларгача масофани камида: ҳажми 10000 м³ дан кичик ҳовзалар учун 3 м ва ҳажми 10000 м³ ва ундан ортиқ бўлган ҳовзалар учун 6 м қилиб олиш лозим.

Изоҳлар: 1 Ҳажми 20000 м³ ва ундан ортиқроқ ёки йигинди сизими 20000 м³ бўлган бир нечта кичик ҳовзалар битта гуруҳ чегараларида, шунингдек этилли бензинлар сақланадиган ҳовзалар гуруҳнинг бошқа ҳовзаларидан, сизими 10000 м³ дан кичикроқ ҳовзалар ҳолида баландлиги 0,8 м бўлган ва сизими 10000 м³ ва ундан ортиқроқ ҳовзалар 1,3 м бўлган ички тупроқ уюми ёки деворлар билан ажратилишлари лозим.

2 I ва II тоифа омборхоналарда, битта гуруҳда ҳовзаларда мазутлар, мойлар ва бошқа нефт маҳсулотлари сақланган ҳолларда мойли ва мазутли ҳовзалар гуруҳнинг бошқа ҳовзаларидан ушбу бандга I-изоҳга мос равишда ички тупроқ уюмлари ёки деворлар билан ажратиб қўйилишлари лозим.

3.8 Ер ости ҳовзаларини ўраб олишни уларда нефт ва мазут сақланган ҳоллардагина кўзда тутилиши лозим.

Ўраманинг ички нишоблари орасида ҳосил бўладиган ҳажми, гуруҳдаги энг катта ер ости ҳовзасининг 10 % суёқлиги ёйилганда уни тутиб қолиш шартидан аниқланиши лозим.

Нефт ва мазут сақланадиган ер ости ҳовзалари гуруҳини, шу ҳов-

залар гуруҳи атрофидаги автомобил йўлларининг тупроқ тасмаси нишоблари орасида ҳосил бўлувчи ҳажм кўрсатилган шартларни қаноатлантирганда, ўрамаса ҳам бўлади.

3.9 Ўрамадан ёки тўсиқ девордан ўтиш учун (тўсиқнинг қарама-қарши томонларида) ҳовзалар гуруҳига тўртта миқдорда ва айрим турган ҳовзалар учун камида иккита нарвон-ўтувлар кўзда тутилиши лозим.

3.10 Сурилмалар қисмлари ҳовзалар гуруҳлари ўрамалари (тўсувчи деворлари) нинг ташқи томонида жойлаштирилиши лозим. Асосий ёпув қурилмасини бевосита ҳовза яқинида ўрнатиш лозим.

4 Идишларга солинган нефт маҳсулотлари учун омборхона бинолари ва иншоотлари

4.1 Идишлардаги нефт маҳсулотларни, иқлимий шароитларга боғлиқ равишда, бинолар ичида ёки усти ёпилган майдончаларда, алангаланиш ҳарорати 45°С дан юқори бўлган нефт маҳсулотларни эса, шунингдек очик майдончаларда сақлашни кўзда тутилиши лозим. 4.1 Идишлардаги нефт маҳсулотларни, иқлимий шароитларга боғлиқ равишда, бинолар ичида ёки усти ёпилган майдончаларда, алангаланиш ҳарорати 45°С дан юқори бўлган нефт маҳсулотларни эса, шунингдек очик майдончаларда сақлашни кўзда тутилиши лозим.

4.2 Идишлардаги ёнувчи нефт маҳсулотлари учун омборхона бинолари уч қаватдан баланд бўлмасликлари, енгил алангаланувчи нефт маҳсулотлари учун эса, бир қаватли бўлиши лозим.

Ёнувчан нефт маҳсулотларини идишларда сақлаш учун бир қаватли ер ости иншоотлари лойиҳаланиши лозим.

III тоифа омборхоналар учун, алангаланиш ҳарорати 120°C дан юқори бўлган нефт маҳсулотларидан 60 м^3 гача миқдорда сақлаш учун ёнувчи материаллардан ер ости иншоотлари лойиҳалашга рухсат берилиб, бу ҳолда ушбу иншоотларни қалинлиги камида $0,2\text{ м}$ бўлган тупроқ қатлами билан (зичлаб) ёпиш ҳамда ёнмайдиган материаллардан тўшама тузилиши лозим.

4.3 Идишлардаги нефт маҳсулотлари учун омборхона бинолари оловга бардошлик чегараси камида $0,75$ соат ёнмайдиган деворлар (тўсиқлар) билан ҳар бирининг сифими 200 м^3 дан ортиқ бўлмаган осон алангаланувчи ҳамда 1000 м^3 дан ортиқ бўлмаган ёнувчи нефт маҳсулотлари омборхона хоналарига ажратилиши лозим. Идишлардаги нефт маҳсулотлари учун битта омборхона биносининг умумий сифимдорлиги енгил алангаланувчилар учун 1200 м^3 дан ва ёнувчи нефт маҳсулотлари учун 6000 м^3 дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Изоҳ: Бир вақтда ҳам енгил алангаланувчи, ҳам ёнувчи нефт маҳсулотларини идишларда сақлаш учун омборхона бинолари ёки хоналари сифимдорлигини ушбу ҳисоб асосида келтирилган снғдиришлик бўйича белгиланади: енгил алангаланувчи 1 м^3 нефт маҳсулотлари ёнувчи нефт маҳсулотларининг 5 м^3 га тенглаштирилади.

4.4 Идишлардаги нефт маҳсулотлари учун омборхона хоналарини, қоидага кўра, қуйиш, қадоқлаш ва тарқатиш хоналари билан, шунингдек насосхона ва бошқа

хизмат хоналари билан бир бинода бирлаштириш лозим.

Омборхона хоналари бошқа хоналардан оловбардошлик чегараси камида $0,75$ соат бўлган ёнмайдиган деворлар (тўсиқлар) билан ажратилиши лозим.

4.5 Идишлардаги нефт маҳсулотлари учун омборхона бинолари деворларидаги эшиклар кенглиги механизация воситагррининг ўтишини таъминлайдигам ўлчамларга эга бўлишлари, бироқ, барча ҳолларда камида: $2,1\text{ м}$ кенгликка ва $2,4\text{ м}$ баландликка эга бўлишлари лозим; эшикларни $0,6$ соат бардошлилик чегарасига, ўзи ёпилувчи тарзда лойиҳаланиши ҳамда ораликларда баландлиги $0,15\text{ м}$ бўлган остона (пандусли) кўзда тутилиши лозим.

4.6 Идишлардаги нефт маҳсулотлари учун омборхона бинолари тўшамалари ёнмайдиган материаллардан ясалиши ҳамда суюқликнинг тарновларга ва трапларга оқиб келиши учун нишобга эга бўлиши лозим.

4.7 Идишлардаги (бочкалардаги, канистрлардаги, махсус контейнерлардаги ва б.) нефт маҳсулотларини сақлаш учун омборхона биноларини ва соябон остидаги майдончаларни лойиҳалашда идишларни механизациялаштирилган жойлаш учун қуйидагилар қабул қилиниши лозим:

токчалар ёки тубдонлар тахламалари - $5,5\text{ м}$ дан ортиқ эмас, токчанинг ҳар бир қаватида идишни жойлашда - баландлик бўйича бир қатор ва кенлик бўйича икки қатор; қатлам кенглиги - тўрттадан ортиқ бўлмаган тубдон жойлаштириш шартидан;

токчалар ва тахламалар орасидан ўтиш кенглиги - қўлланиладиган механизация воситаларининг ўлчамларига боғлиқ равишда - бироқ, камида 1,4 м;

Тахламалар ва токчалар орасидаги йўлаклар - 1 м кенгликда.

4.8 Темир йўл ва автомобил нақлиёти учун юк платформалари (рамкалар) ёнмайдиган материаллардан ясаишлари лозим; III - тоифа омборхоналар учун юк платформаларини ёнувчан материаллардан лойиҳалашга рухсат берилади.

4.9 Идишлардаги нефт маҳсулотларини сақлаш учун очиқ майдончаларни лойиҳалашда қуйидагиларни шундай қабул қилиш лозим:

нефт маҳсулотли идишлар тахламлари микдори - куппи билан олтига;

тахлам ўлчамлари қуйидагидан катта эмас: узунлиги 25 м, кенглиги 15 м ва баландлиги 5,5 м;

тахламда идишлар ёки тубдонларнинг жойлашувчи икки қатор, улар орасидаги йўлак ёки ушбу бўлимнинг 4.7 бандига мос тарзда;

майдончада тахламлар орасидаги масофа - 5 м, қўшиш майдончалари тахламлари орасидаги масофа -15 м.

4.10 Идишлардаги нефт маҳсулотларини сақлаш майдончалари (очиқ ва соябон остидаги) баландлиги 0,5 м бўлган тупроқ уюми ёки ёнмайдиган девор билан тўсилиши лозим. Майдончага нақлиётда ёки пиёда ўтиш учун йўлаклар ва зиналар кўзда тутилиши лозим.

4.11 Бўш металл бочкаларни (истеъмолда бўлган ва нефт маҳсулотлари билан ифлосланган) сақлаш учун, бўш бочкаларни баландлиги

бўйича тўрт қатлам қилиб тахлаб, ушбу бўлимнинг 4.9-бандида келтирилган меъёрларга мос тарзда очиқ майдончаларни лойиҳалаш лозим.

5 Темирйўл оқизиш-қуйиш эстакадалари

5.1 Оқизиш-қуйиш эстакадаларини темирйўл изининг тўғри қисмида жойлаштириш лозим.

Изоҳ: III-тоифа омборхоналарида оқизиш-қуйиш ускуналари билан бир томондан жиҳозланган оқизиш-қуйиш эстакадаларини радиуси 200 м дан кичик бўлмаган эгри йўл қисмларида жойлаштиришга рухсат берилади.

5.2 Темирйўл оқизиш-қуйиш эстакадаларининг узунлиги оқизиш-қуйиш муолажаларининг ҳажмига боғлиқ равишда аниқланади, бироқ у куппи билан темирйўл цистернасининг битта маршрути таркиби максимал узунлигича бўлиши лозим.

5.3 Оқизиш-қуйиш эстакадали темирйўл берк изи узунлигини, ҳисобий маршрут таркиби энг чекка цистернадан бошлаб тўхтатиш тўсинигача ҳисоблаган ҳолда 30 м га узайтириш (ёнфин содир бўлганда таркибини ажратиш имкони бўлиши учун) лозим.

5.4 Оқизиш-қуйиш қурилмаларни параллел темирйўл изларида жойлаштирилаётганда икки томондан оқизиш-қуйиш қурилмалари билан жиҳозланган битта эстакадани лойиҳалаш лозим.

Оқизиш-қуйиш эстакадаларига қўшни энг яқин темирйўл излари ўқлари орасидаги (параллел йўлларда жойлашган) масофа камида 20 м бўлиши, оқизиш-қуйиш қурилмалари бўйлама томонлари орасидаги - камида 15 м бўлиши лозим.

Темирйўл изларидан оқизиш-қуйиш эстакадаларининг чиқиб турган қисмларигача масофани ГОСТ 9238-83 га мос тарзда қурилмаларнинг яқинлашиш ўлчамларига мос тарзда қабул қилиш лозим.

5.5 Локомотивларнинг ҳаракати содир бўладиган темирйўл изининг ўқидан (омборхонадан ёки корхонадан) оқизиш-қуйиш эстакадали энг яқин йўлнинг ўқигача масофа, агар оқизиладиган нефт ва нефт маҳсулотларининг алангаланиш ҳарорати 120° С ва ундан пастроқ бўлса, камида 20 м, ҳамда алангаланиш 120°С дан юқори бўлса, камида 10 м бўлиши лозим.

Локомотивлар ўтадиган жойда оқизиш-қуйиш эстакадали темирйўл изи бўлишига рухсат берилмайди.

5.6 Алангаланиш ҳарорати 120°С ва ундан пастроқ бўлган нефт ва нефт маҳсулотлари (мазутдан ташқари) учун оқизиш-қуйиш қурилмалари ёпиқ бўлишлари лозим.

Алангаланиш ҳарорати 120°С дан юқори нефт маҳсулотлари ва мазутлар учун оқизиш қурилмаларининг очик бўлишига рухсат берилмайди.

Изоҳлар: 1 I-тоифа омборхоналарда осон алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар учун оқизиш-қуйиш қурилмалари алоҳида-алоҳида бўлиши лозим.

2 Мазут учун ер ости оқиш сизимларини оқиш-қуйиш эстакадали темирйўл изларининг ташқи томонида ҳам, темирйўл изларининг остида ҳам жойлаштиришига ҳам рухсат берилмайди.

5.7 Оқиш-қуйиш эстакадалари майдончалари суюқликларнинг оқиб кетиши учун нишобликка эга бўлишлари лозим.

Оқиш-қуйиш эстакадалари қирраларида, шунингдек эстакада узун-

лиги бўйича бир-бирдан 100 м масофада ёнмайдиган материаллардан ясалган нарвонларга эга бўлишлари лозим.

6 Қуйгичлар, қадоклагичлар ва тарқатгичлар

6.1 Қуйгичларни, қадоклагичларни ва тарқатгичларни иқлимий шароитларга ва нефт маҳсулотларнинг турига қараб биноларда ёки майдончаларда (очик ёки соябон остидаги) жойлаштириш лозим.

Бинолар ичидаги қуйгичларни, қадоклагичларни ва тарқатгичларни ҚМҚнинг ушбу боби 1.7 ва 4.4-бандларига ҳамда ушбу бўлим меъёрларига мос тарзда лойиҳалаш лозим.

6.2 Этилланган нефт маҳсулотларини қуйиш учун алоҳида хона кўзда тутилиши лозим.

6.3 Автоцистерналар учун оқизиш-қуйиш қурилмаларини майдончаларда (очик ёки соябон остидаги) жойлаштириш лозим. Ушбу қурилмаларнинг қуйиш аралчаларини ва аралчалар орасидаги йўлларни ҚМҚнинг автомобилларга хизмат кўрсатиш корхоналарини лойиҳалаш бўйича бобига мос тарзда лойиҳалаш лозим.

Изоҳ: Автоцистерналар учун оқизиш-қуйиш қурилмаларини қуйидагича жойлаштиришига рухсат берилмайди;

осон алангаланувчи ва ёнувчан нефт маҳсулотларини битта майдончада;

алангаланиш ҳарорати 120°С дан юқори бўлган нефт маҳсулотларини-бевосита қуйгичлар, қадоклагичлар ва тарқатгичлар олдида ҳамда мойлар учун темирйўл оқиш-қуйиш эстакадалари олдида;

технология талабларига кўра, - омборхона тўсизининг ташқи томонида.

6.4 Қуйгичларнинг туташ (оралиқларсиз) деворлари яқинида камида 2 м масофада (бинонинг ташқи томонида) ҳар бирининг сиғими 25 м³ гача бўлган ҳамда умумий сиғими 200 м³ дан ортиқ бўлмаган тарқатгич ҳавзаларни жой-лаштиришга рухсат берилади. Тарқатгич ҳавзалар орасидаги масофани камида 1 м қилиб олиш лозим.

6.5 Сиғими 75 м³ гача бўлган, иситишга ва мой беришга мўлжалланган тарқатгич ҳавзаларни шундай жойлаштириш лозимки, уларнинг қирралари қуйиш хонасида жойлашсин.

Сиғими 25 м³ гача бўлган, иситишга ва мой беришга мўлжалланган тарқатгич ҳавзаларни, ҳавзалардан чиқаётган буғларни хонадан ташқарига олиб кетиш таъминланган ҳолда уни қуйиш хонасида жойлаштиришга рухсат берилади.

6.6 Мойлар учун умумий сиғими 400 м³ дан ортиқ бўлмаган ҳавзалари бир қаватли бинонинг ертўласида қуйгичлар, қадоклагичлар, тарқатгичлар тагида ҳамда идишлардаги мой сақланадиган омборхона тагида, улар билан бирлашган бир бинода жойлаштиришга рухсат берилади.

Кўрсатилган ертўла хоналаридан чиқувлар бевосита ташқарига олиб чиқилиши ва биноларнинг биринчи қавати билан туташмаслиги лозим.

7 Маҳсулот насос станциялари ва лабораториялар

7.1 Нефт ва нефт маҳсулотларини сўриш учун насосларни биноларда ёки майдончаларда (очиқ ёки соябон тагида) жойлаштириш лозим.

Нефт ва нефт маҳсулотларини сўришга мўлжалланган, конструкцияси ва юритгичлар уларни очиқ ҳавода ишлатишга имкон берадиган насосларни майдончаларда жойлаштириш лозим.

7.2 Маҳсулот насос станцияси биносида қувурўтгазгичларнинг катод химояси станциясини, назорат ва бошқарув пунктини, технологик жараёнларни автоматик бошқарув воситаларини ўрнатув учун хоналарни ҳамда ҚМҚнинг ушбу боби 1.7-бандига ва ушбу бўлим меъёрларига мос тарзда бошқа хоналарни жойлаштиришни кўзда тутиш лозим.

Изоҳлар: 1 III-тоифа омборхоналарида маҳсулот насос станцияси биносида дизел-генераторларни жойлаштиришга рухсат берилади.

2 Сиғими бир суткалик эҳтиёждан ортиқ бўлмаган ёнувчан нефт маҳсулотлари сарф бақларини маҳсулот насос станциясининг биноси ташқарисида тутиш (бўш оралиқсиз) девор томонида ёки ёнмайдиган материаллардан қурилган кўшимча хонада жойлаштириш лозим.

7.3 Алангаланиш ҳарорати 120°C дан юқори бўлган нефт маҳсулотлари ва мазутларнинг ер ости уфқий ҳавзалари ёнини; ушбу ҳавзаларга хизмат қилувчи маҳсулот насос станцияси хоналарида ёки назорат ва бошқарув пункти хоналарида жойлаштиришга рухсат берилади.

7.4 Сурилма қисмларини, қоидага кўра, маҳсулот насос станцияси биносининг ташқарисида (энг яқиндаги сурилмадан), бинонинг бўш оралиқли деворидан камида 3 м масофада, ҳамда бинонинг бўш оралиқсиз деворидан 1 м да жойлаштириш лозим. Сурилма қисмларини насослар билан биргаликда, ушбу

хонадаги асосий ишчи насосларнинг (захирадаги, тозаловчи, вакуум ва бошқа ёрдамчи насосларни ҳисобга олмаганда) кўйидаги сониди:

а) I ва II- тоифа омборхоналарда - алангаланиш ҳарорати 120°C ва ундан пастроқ (мазутдан ташқари) бўлган нефт ва нефт маҳсулотлари учун кўпи билан 6 та насос ёки алангаланиш ҳарорати 120°C дан юқори нефт ва нефт маҳсулотлари учун ёки мазутлар учун кўпи билан 10 та насос;

б) III-тоифа омборхоналарда - алангаланиш ҳарорати 120°C ва ундан пастроқ бўлган нефт ва нефт маҳсулотлари учун кўпи билан 10 та насос

ёки алангаланиш ҳарорати 120°C бўлган нефт ва нефт маҳсулотлари учун насосларнинг исталган сониди;

в) алангаланиш ҳароратидан 10°C пастроқча иситиладиган мазутларни сўришда I ва II-тоифа омборхоналарда кўпи билан 6 та ҳамда III-тоифали омборхоналарда кўпи билан 10 та.

Сурилмалар қисмларини алоҳида хонада жойлаштирилганда у насослар жойлаштириладиган хонадан оловбардошлиги чегараси 0,75 соат бўлган ёнмайдиган девор билан ажратилиши ва ташқарига чиқиш эшигига эга бўлиши лозим. Бу хоналар орасидаги эшик оловбардошлиги чегараси 0,6 соатли ўзи ёпиладиган бўлиши лозим.

Сурилма қисмлари жойлашган ўринларда тўшамада оқимларнинг ёпиқ йиғгичга ёки ишлаб чиқариш канализацияси тармоғида гидравлик ёпқичли қудукқа олиб кетиш учун тарновлар кўзда тутилиши лозим.

7.5 Битта хонада турлича алангаланиш ҳароратига эга бўлган нефт ва нефт маҳсулотларини сўриш учун насослар ўрнатилган ҳолда ушбу хона ва ундаги барча тур ускуналар энг паст алангаланиш ҳароратли нефт ва нефт маҳсулотларини сўришда кўйиладиган талабларга мос бўлиши лозим.

7.6 Маҳсулот насос станцияларида насосларнинг чиқиб турган қисмлари орасидаги ўтиш кенглиги камида 1 м бўлиши лозим. Кенглиги 0,6 м гача ва баландлиги 0,5 м гача бўлган насослар орасидаги йўл кенглигини 0,7 м гача камайтиришга рухсат берилади.

7.7 Маҳсулот насос станцияларининг деворларидан қувурлар ўтган жойларида зичловчи қурилмалар кўзда тутилиши лозим.

7.8 Маҳсулот насос станциялари биноларида ички ёниш юритгичлари хонаси насослар хонасидан оловбардошлиги чегараси камида 0,75 соат бўлган газ ўтказмайдиган ёнмайдиган туташ девор(бўш ораликларсиз) билан ажратилиши лозим.

Кўрсатилган девордан юритгични насос билан уловчи ўқ ўтган жойларда зичловчи қурилмалар бўлиши лозим.

7.9 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхонасининг лабораториялар хоналари, қоидага кўра, ҚМҚ ушбу бобининг 1.7- бандига мос тарзда газгенераторлар, катта босим аппаратлари, нефт ва нефт маҳсулотлари намуналарини, кимёвий реактивларни сақлаш хоналари билан битта бинода жойлашишлари лозим.

Лабораториялар хоналари тар-кибини нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарини

технологик лойи-ҳалаш меъёрларига кўра танлаш лозим.

8 Сув таъминоти ва канализация

8.1 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарининг сув таъминоти ва канализациясини ҚМҚнинг канализация ташқи тармоқлари ва иншоотларини биноларнинг ички сув ўтказгичи ва канализациясини лойиҳалаш бўйича бобларига ҳамда ушбу бўлим меъёрларига мос тарзда лойиҳалаш лозим.

8.2 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарида, қоидага кўра, ўртача карраликли ҳаво механик кўпик билан ёнғинни ўчириш кўзда тутилиши лозим.

Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарида ёнғинни ўчириш учун қуйидаги қурилмалар кўзда тутилиши лозим: барқарор автоматик ёнғин ўчириш, барқарор ноавтоматик ёнғин ўчириш ва кўчма.

Изоҳлар: 1 Автоматик ёнғин ўчириш барқарор қурилмаси насос станциясидан, сув учун идишлардан, кўпик ҳосил қилгичдан ёки идишлардаги ва кўпик генераторлар биноларидаги унинг суюқланмасидан, кўпик генераторларига кўпиклагич суюқланмасини узатиш учун қувурўтказгичлардан (суюқланма ўтказгичлардан) ташкил топгандир.

2 Ноавтоматик ёнғин ўчириш барқарор қурилмаси, барқарор ўрнатилган кўпик генераторлар ва автоматлаштириш воситаларидан ташқари, айнан барқарор автоматик каби унсурлардан ташкил топгандир; суюқланма ўтказгичларда ёнғин гидрантлари ёки ёнғин пайтида ёнғин енгларни улаш учун улагич каллакли қувурлар кўзда тутилади.

Кўчма қурилма- ёнғин автомобиллари ёки мотопомпалар сувни ташқи сув-ўтказгич тармоғига (ёнғин гидрантларидан ёки улагич каллакли қувурлар орқали) узатиш ёки ушбу бўлимнинг 8.9- бандига

мос тарзда ёнғинга қарши ҳажмлардан бериш кўзда тутилади.

8.3 Нефт ва нефт маҳсулотлари учун сифими 5000 м³ ва ундан ортиқ бўлган ер усти ҳавзаларини, шунингдек ушбу бўлимнинг 8.7-бандида кўрсатилган омборхона бинолар ва хоналарида юз берувчи ёнғинни ўчириш учун барқарор автоматик ёнғин ўчиргич қурилмалар кўзда тутилиши лозим.

Изоҳ: Иккитадан ортиқ бўлмаган миқдорда сифими 5000 м³ ли ер усти ҳавзаларига эга бўлган III-тоифа омборларда, ҳавзаларни барқарор ўрнатилган кўпик генераторлари қуруқ қувурлар ва ўрама ташқарисига чиқарилган, уфқий қувурўтказгичлар (ёнғин техникасини қўйиш учун улагич каллакли) билан жиҳозлаган тақдирда ҳамда омборхона зарурий миқдорда ёнғин техникаси ва махсус ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланган тақдирда бу ҳавзалардаги ёнғинни кўчма қурилмалар ёрдамида ўчиришни кўзда тутишига рухсат берилади.

8.4 5000 м³ ва ундан ортиқ сифимли ер ости ҳавзаларидаги ёнғинни ўчириш учун ноавтоматик ёнғин ўчириш барқарор қурилмалар, I ва II тоифа омборхоналарида сифими 5000 м³ ва ундан ортиқ бўлган ҳавзалар мавжудлигида темир-йўл ва автомобил цистерналари учун қуйиш-тақсимлаш қурилмалари кўзда тутилиши лозим.

Изоҳ: Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхонасида барқарор автоматик ёки ноавтоматик ёнғин ўчириш қурилмаларидан фойдаланилганда умумий насос станция ва суюқланма ўтказгич тармоқ кўзда тутилиши лозим.

8.5 Ёнғин ўчириш кўчма қурилмалар сифими 5000 м³ дан кичик бўлган ер усти ва ер ости ҳавзаларидаги, II-тоифа (агарда омбор-

хонада 5000 м³ ва ундан ортиқ ҳажмли ҳавзалар бўлмаса) ва III-тоифа омборхоналарда темирйўл ва автомобил цистерналари учун қуйиш-тақсимлаш қурилмалари жойлаштирилган майдончаларда (очиқ ёки соябон остида) жойлаштирилувчи маҳсулот насос станцияларидаги, шунингдек ушбу бўлимнинг 8.7-бандида кўрсатилган омборхоналар биноларида ва хоналарида, шу хоналарнинг сатҳи ва насос станцияларнинг ишлаб чиқариш қобилияти 5-жадвалда келтирилганидан кичик бўлганида, ёнғинни ўчириш кўзда тутилиши лозим.

Изоҳлар: 1 Кўрсатилган бинолар ва хоналардаги, шунингдек, сизими 1000 дан 5000 м³ гача бўлган ер усти ҳавзаларидаги ёнғинларни ўчиришида, техник – иқтисодий асосланган ҳолларда автоматик ёнғин ўчириш барқарор қурилмалари, қуйиш-тақсимлаш қурилмалари учун эса, ноавто-

матик ёнғин ўчириш барқарор қурилмаларини кўзда тутишига рухсат берилади.

2 Сизими 1000 дан 5000 м³ гача бўлган ер усти ҳавзалари СНиП 2.09.03-85 га мос тарзда қўтиқ генераторлари билан жиҳозланади.

8.6 Қуйиш-тақсимлаш кемалар тўхташ жойлари ва пирсларидаги ёнғинни ўчиришни, агарда улар учун алоҳида ёнғин ўчириш қурилмалари лойиҳаланмаса, кема бандаргоҳлари ва пирсларга омборхонанинг халқавий суюқланма ўтказгич тармоғидан суюқланма ўтказгичларни ётқизишни лойиҳалаган ҳолда омборхонадаги ёнғинни барқарор автоматик ёки ноавтоматик қурилмалардан ўчириш кўзда тутилиши лозим.

5-жадвал

| Омборхона бинолари | Автоматик ёнғин ўчиришнинг бир қатор қурилмалари билан жиҳозлаш лозим бўлган хоналар |
|--|--|
| 1. Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналаридаги, бош нефт маҳсулотлари ўтказгичлари ҳавза паркларидан ва тозаланмаган ишлаб чиқариш оқава сувларини (нефтли ва нефт маҳсулотлари бўлган) ҳамда йиғиб олинган нефт ва нефт маҳсулотларини ҳайдаш учун канализация насос станцияларидан ташқари маҳсулот ҳайдаш насос станциялари бинолари. | Насослар ва сўргичлар қисмлари учун тўшамаси юзаси 300 м ² ва ундан ортиқ бўлган хоналар. |
| 2. Бош нефт ўтказгичларнинг ҳавза парклари насос станциялари бинолари | Ишлаб чиқариш қобилияти 1200м ³ /соат ва ундан ортиқ бўлган станциялардаги насослар ва сўргичлар қисмлари учун хоналар |
| 3. Идишларга солинган нефт маҳсулотлари учун омборхона бинолари | Алангаланиш ҳарорати 120°С ва ундан пастроқ бўлган нефт маҳсулотлари учун 500 м ² ва ундан ортиқ юзали ҳамда бошқа нефт маҳсулотлари учун 750 м ² ва ундан ортиқ |
| 4. Омборхонанинг бошқа бинолари (қуйиш, кадоқлаш, тарқатиш ва б.бинолари) | Катта юзали омборхона хоналари 15 кг/м ² дан ортиқ миқдорда нефт ва нефт маҳсулотлари бўлган 500 м ² дан ортиқ юзали ишлаб чиқариш хоналари |

8.7 Барқарор автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозлаш лозим бўлган нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарининг бинолари ва хоналари 5-жадвалда келтирилган.

Автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозланган нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналари бинолари ва хоналарида ички ёнғинга қарши сув ўтказгични кўзда тутмаса ҳам бўлади, бу ҳолда ушбу бинолар ва хоналарда кўпиклагичнинг олти қаррали заҳираси кўзда тутилмоғи ҳамда суюқлик ўтказгичнинг барқарор тармоғида (хоналарга кириш жойларида) ёнғин жўмрақлари, ёнғин насослари эса, узокдан туриб ишга тушириш босмалари билан (барқарор қурилмада ўчириш воситалари ҳисобий заҳирасида) жиҳозланиши лозим.

8.8 Деворининг баландлиги 12 м дан ортиқ бўлган ер усти ҳавзалари (I-иқлимий ҳудудларда жойлаштирилувчи, ёнмайдиган материаллардан иссиқлик изоляцияли ҳавзалар ҳамда сузувчи қопқоқли ҳавзалардан ташқари) барқарор совитиш қурилмалари билан жиҳозланишлари лозим.

Деворларининг баландлиги 12 м гача бўлган барқарор қопқоқли ёки понтонли ер усти ҳавзаларини, шунингдек сиғими 400 м³ дан ортиқ бўлган ер ости ҳавзаларини кўчма қурилмалар билан совитиш кўзда тутилмоғи лозим.

Ҳавзаларни ёнғин пайтида совутишни (ушбу меъёрларга кўра совутилиши лозим бўлган) таъминлаш учун ҳавза парк атрофида халқавий ёнғинга қарши сув ўтказгич кўзда тутилиши лозим.

Қуйидагиларни совутиш кўзда тутилмайди:

а) ҳавзасининг девори баландлигидан қатъий назар, I-иқлимий минтақада жойлаштирилувчи, ёнмайдиган материаллардан иссиқлик изоляцияли, барқарор қопқоқли ёки понтонли ер устидаги ҳавзаларни ҳамда сузувчи қопқоқли ҳавзаларни. Ушбу ҳолда 20000 м³ ҳажмли ҳавзалар орасидаги масофа 40 м гача етказилади ҳамда майдончада қуйидаги ҳажмда даҳлсиз сув заҳираси кўзда тутилмоғи лозим.

800 м³ - биттасининг сиғими 10000 м³ гача ҳавзалар учун;

2000 м³ - биттасининг сиғими 20000 м³ дан ортиқ бўлган ҳавзалар учун;

б) деворларининг баландлиги 12 м гача, автоматик ёнғин ўчириш барқарор қурилмаси билан жиҳозланган сузувчи қопқоқли ёр устидаги ҳавзаларда;

в) деворларининг баландлиги 12 м дан ортиқ бўлган ҳамда совутиш қурилмалари билан жиҳозланувчи, барқарор қопқоқли ёки понтонли ҳавзалар билан биргаликда ҳавзалар паркида жойлаштирилувчи сузувчи қопқоқли ер устидаги ҳавзаларда. Бу ҳолда ушбу парк учун сув заҳираси биттасининг сиғими 20000 м³ ва ундан ортиқ бўлган ҳавзалар учун камида 1500 м³ ҳамда биттасининг сиғими 20000 м³ дан кичик бўлган ҳавзалар учун камида 1000 м³ бўлиши лозим;

г) деворининг баландлиги 12 м дан ортиқ бўлган сузувчи қопқоқли қўшни ер усти ёнувчи ҳавзаларни;

д) ёнаётган ҳавзадан икки қаррадан ортиқ узокдаги меъерий масофада (ҚМҚнинг ушбу бобининг 3.4-бандларида кўрсатилганидан)

жойлашган барқарор қопқокли ёки понтонли қўшни ёнаётган ер усти ҳавзаларни;

е) ёнғин пайтида унда сақланаётган нефт на нефт маҳсулотларининг температурасини ошишига йўл қўймайдиган иссиқлик изоляцияли ёнаётган қўшни ер усти ҳавзаларни;

ж) сифими 400 м³ ва ундан кичик бўлган ер ости ҳавзаларини.

Изоҳлар: 1 Ҳавзани совитиш барқарор қурилмаси ҳавза деворларининг юқориги ярмида жойлаштирилувчи сугориш уфқий бўлма халқадан (сувни пурқаб берувчи қурилмали сугориш қувурўтказгичидан перфорациядан, спринклер ёки дренчер каллақдан ва б.), сугорувчи бўлма халқани ёнғинга қарши сув ўтказгич тармоғи билан боғловчи қуруқ қувурдан ва уфқий қувур ўтказгичлардан, ҳамда ёнғин пайтида ҳавзанинг бутун сиртини ва ҳавзаларнинг гуруҳда жойлашувига боғлиқ равишда унинг исталган чораги ёки ярми (периметр бўйича ҳисоблаганда) совитиш, учун сув узатишни таъминловчи қўлда бошқарилувчи сурилмадан иборатдир.

2 Ҳавзани совитиш кўчма қурилма ёнғин тирсақларга уланувчи ёки улагич каллақлар воситасида ёнғинга қарши сув ўтказгич тармоғидаги қуруқ қувурларга туташтирувчи ёнғин мўрилари.

3 I ва II-тоифа омборхоналарда, техник-иқтисодий асосланган ҳолларда, деворлари баландлиги 12 м гача бўлган ер усти ҳавзаларини барқарор совитиш қурилмалари билан жиҳозлашга рухсат берилади.

8.9 Ҳар бирининг сифими 5000 м³ дан кичик бўлган ҳавзали III-тоифа омборхоналарда совитиш ва ёнғинни ўчириш учун сувни ёнғинга қарши сифимлардан (ҳавзалардан ёки очиқ сунъий ва табиий ҳовузлардан) ёнғин автомобиллари ва мотономпалар ёрдамида узатишни кўзда тутишга рухсат берилади.

Изоҳ: Ёнғинга қарши сифимларнинг, ёнғин техникасининг ишлаш радиусига боғлиқ равишда миқдори ва жойлаштирилишини ҚМҚнинг сув таъминоти ташқи тармоқларини ва иншоотларини лойиҳалаш бобига мос тарзда қабул қилинади.

Ҳавза парклари табиий сув ҳавзаларидан 200 м дан яқинроқ масофада жойлашган ҳолларда ёнғинга қарши ҳавзалар ва сунъий сув ҳавзаларни қуришни кўзда тутиш лозим эмас.

8.10 Автоматик ёнғин ўчириш барқарор қурилмали маҳсулот насос станциялари, идишларга солинган нефт маҳсулотлари учун омборхона бинолари, қуйиш, қадоқлаш ва тарқатиш ҳавзаларида ҳамда ушбу бўлим меъёрларига мос тарзда совитиш лозим бўлган ҳавзаларида б-жадвалга кўра ёнғинга қарши ускуналар учун ёнғин постлари ёки хоналари кўзда тутилиши лозим.

б-жадвал

| Омборхона сифими минг м ³ | Омборхоналарда кўзда тутиладиган ёнғинга қарши ускуналар учун ёнғин постлари ёки хоналари |
|--------------------------------------|---|
| 1. 100 гача | Ёнғинга қарши ускуналар ва ёнғин помпаси учун 20 м ² юзали хона |
| 2. 100 дан ортиқ 500 гача | Заҳира автомобил учун бокс билан бирга битта автомобил учун ёнғин пости |
| 3. 500 дан ортиқ | Иккита автомобил учун ёнғин пости |

Ҳавзаларда ҳамда бошқа бинолар ва хоналарда автоматик ёнғин ўчириш барқарор қурилмалари кўзда тутилмайдиган ёки бу қурил-

ма ишлатилаётганда бир вақтнинг ўзида ноавтоматик ёнғин ўчиришнинг кўчма ва барқарор қурилмалари қўлланиладиган нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналари учун,

ушбу бўлим меъёрларига кўра ёнғин депоси, ёнғинга қарши ускуналар учун постлар ёки хоналар ёнғиндан ҳимояни ташкил қилишга мос тарзда белгиланган тартибда кўзда тутилиши лозим. Бу ҳолда ёнғин депоси ва постларини жойлаштиришни ҚМҚнинг саноат корхоналарни лойиҳалашнинг бош режаларига оид бобининг тегишли меъёрларига риоя қилган ҳолда ба-жариш лозим.

8.11 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарида ёнғинни ўчиришга сувнинг ҳисобий сарфи учун ушбу энг кўп сарфлардан бирини қабул қилиш лозим; ҳавза паркдаги ёнғинни ўчиришга (битта ҳавзага энг кўп сарфни ҳисобга олган ҳолда) ёки темирйўл эстакадасидаги ёнғинни ўчиришга, ёки омборхона биноларидан биридаги ташқи ва ички ёнғинни ўчиришга энг катта йиғинди сарфни.

Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарида бир вақтда содир бўлувчи ёнғинларнинг ҳисобий миқдорини қуйидагича қабул қилиш лозим: омборхона сатҳи 150га гача бўлганда битта ёнғин, сатҳ 150 га дан ортиқ бўлганда иккита ёнғин.

8.12 Ёнғинни ўчиришга сув ва кўпиклагичнинг сарфини алангаланиш ҳарорати 28°C ва ундан пастроқ бўлган нефтдан ташқари нефт маҳсулотларини ўчиришга суяқлангани 94% суа ва 6% кўпиклагич узатиш жадвалидан нефт ва нефт маҳсулотлари буғланаётган сиртнинг 1 м² га 0,08 л/с, нефт ва қолган нефт маҳсулотлари учун эса 0,05 л/с, ҳамда ёнғинни ўчиришнинг 10 минутга тенг бўлган ҳисобий вақтидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш лозим. Буғланиш кўзгуси сатҳини

қуйидагига тенг деб қабул қилиш лозим:

понтонли ер усти ҳавзаларида ва ер ости ҳавзаларида-ҳавзанинг уфқий кесими юзасига;

сузувчи қопқоқли ҳавзаларда - ҳавза девори ва кўпикни чеклаш учун тўсиқ (сузувчи қопқоқда) орасидаги халқавий фазо юзасига;

умумий сифими 4000 м³ гача бўлган гуруҳда ягона майдончада жойлашган сифими 400 м³ гача бўлган ҳавзалар учун - ушбу гуруҳни ўраб олувчи сатҳга, бироқ, барча ҳолларда 300 м² дан ортиқ эмас;

оқизиш-қуйиш темирйўл эстакадалари учун - темирйўл изларини ҳам қамраб олган ҳолда иншоотнинг ташқи тархи бўйича эстакада сатҳига, бироқ, барча ҳолларда 1000 м² дан ортиқ эмас;

идишлардаги нефт маҳсулотлари учун омборхона биноларида (ички ёнғин ўчиришга) - энг катта омборхона хонаси тўшамаси сатҳига;

бошқа ишлаб чиқариш биноларида ички ёнғин ўчириш учун (маҳсулот насос ва канализация станциялари, қуйиш, қадоклаш, тарқатиш ва б.) нефт ва нефт маҳсулотлари бўлган энг катта хонанинг (5-жадвалда кўрсатилганлардан) тўшамаси юзасига;

оқизиш-қуйиш қурилмаларига; автоцистерналар учун - қуйиш аралчалари эгаллаган майдонча сатҳига, бироқ, барча ҳолларда кўпи билан 800 м².

Изоҳ: Сузувчи қопқоқли (сифими 5000 м³ дан кичик бўлган) ҳавзадаги ёнғинни кўчма ёнғин ўчириш қурилмаси билан ўчириляётганда ушбу ҳавзалардаги буғланиш кўзгуси сатҳини ҳавзанинг уфқий кесими сатҳига тенг, деб қабул қилиш лозим.

8.13 Кўпик ҳосил қилгич суюқланмасини тайёрлаш учун кўпик ҳосил қилгич ва сув захирасини битта ёнғинга суюқланмадан уч карра кўп сарфланишни таъминлаш шарти асосида (ёнғин ўчириш барқарор қурилмаларининг суюқланма ўтказгичлари тўлиқ бўлган ҳолда) қабул қилиш лозим.

Изоҳ: Бўш суюқланма ўтказгичли ёнғин ўчириш барқарор қурилмалари учун даставвал бўш суюқланма ўтказгичларни тўлдиришга кўшимча миқдор суюқланма кераклигини ҳисобга олиш лозимдир.

8.14 Кўпик ҳосил қилгич ёки унинг суюқланмаси захиралари сақлаш учун, қоидага кўра, камида иккита ҳавза кўзда тутилиши лозимдир; 10 м^3 миқдордаги кўпик ҳосил қилгич ёки 50 м^3 миқдорда унинг суюқланмаси захираси учун битта ҳавзани кўзда тутишга рухсат берилади.

Изоҳлар: 1 Ҳавзани тўсиқлар билан бирининг сизими кўпи билан 10 м^3 бўлган бўлмаларга бўлинган шартда 10 м^3 дан ортиқ кўпик ҳосил қилгичнинг захираси учун битта ҳавза кўзда тутишга рухсат берилади.

2 Кўпик ҳосил қилганнинг ва суюқланма тайёрлаш учун сув захирасининг ёки кўпик ҳосил қилгич суюқланмаси захирасини сақлаш учун, уларнинг умумий сизими 200 м^3 дан ортиқ бўлмаган ҳоллардагина, металл ҳавзалардан фойдаланишга рухсат берилади.

8.15 Ер усти ҳавзаларини совитиш учун сув сарфини қуйидагича аниқлаш лозим:

- ёнаётган ҳавзалар учун (сузувчи қопқоқли ҳавзалардан ташқари) - ҳавза бутун айланасининг 1 м узунлигига $0,5 \text{ л/с}$ ҳисобидан; сузувчи қопқоқли ёнаётган ҳавзалар учун - ҳавза бутун айла-

нанинг 1 м узунлигига $0,3 \text{ л/с}$ ҳисобидан;

- қўшни ҳавзалар учун - ҳар бир ҳавзанинг (сузувчи қопқоқли ҳавзалардан ташқари) айланаси ярмининг 1 м узунлигига $0,2 \text{ л/с}$ ҳисобидан.

Ер ости ҳавзаларини совитишда сувнинг умумий сарфини (ёнаётган ва уларга қўшнилари учун) қуйидагича олиш лозим: энг катта ҳавза сизими 400 дан 1000 м^3 гача бўлганда 10 л/с , сизим 1000 дан 5000 м^3 гача бўлганда 20 л/с , сизим 5000 дан 30000 м^3 гача бўлганда 30 л/с ҳамда сизим 30000 дан 50000 м^3 бўлганда 50 л/с .

8.16 Ҳавзаларни совитиш (ёнаётган ва унга қўшнилари) ҳисобий давоматини қуйидагича қабул қилиш лозим:

- ер усти ҳавзаларини, ёнғинни барқарор ёнғин ўчириш (9.2 бандда кўрсатилган) қурилмаси билан ўчирилаётганда - 3 соат ва кўчма қурилмада - 6 соат.

8.17 Ёнғинга қарши сизимларда (ёнғиндан сўнг) сувнинг даҳлсиз захирасини тиклаш вақти 96 соатдан ошмаслиги лозим.

8.18 Иккала томонидан оқизиш - қуйиш қурилмалари билан жиҳозланган ҳавза паркдаги ёки темирўл эстакадасидаги ёнғинни ўчириш учун суюқланма ўтказгичлар тармоғини (доимо суюқланма билан тўлдирилган ёки бўш) айрим биноларга ва иншоотларга (жумладан, автоматик ёнғин ўчиргичларни барқарор ўрнатилганда ҳавзаларга ҳам) учи берк тармоқланишлар (киритмалар) билан биргаликда халқавий тарзда лойиҳалаш лозим. Халқавий тармоқнинг суюқланма ўтказгичларини ҳавза парк атрофида, паркнинг ташқи ўрамасидан (ёки тўсувчи девор-

лардан) ташқарида, икки томонидан оқизиш-қуйиш қурилмалари билан жиҳозланган темирйўл излари эстакадасидан камида 10 м узоқликда ётқизиш лозим. Суюқланма ўтказгичларни нефт ва нефт маҳсулотларининг бошқа бинолари ва иншоотларига нисбатан жойлаштиришда ҚМҚнинг сув ўтказгичларига оид ушбу бобининг 2.10- бандига риоя қилиш лозим.

Сифими 10000 м³ ва ундан ортиқ бўлган ер усти ҳавзаларига, шунингдек, омборхонанинг суюқланма ўтказгичлари халқавий тармоғидан 200 м дан узоқроқда жойлашган бинолари ва иншоотларига, ҳар бирдан ёнғинни ўчиришга тўлиқ ҳисобий сарфни узатиш учун суюқланма ўтказгичлари халқавий тармоғининг турли қисмларидан иккитадан берк тармоқланишлар (киритмалар) кўзда тутилиши лозим.

Изоҳлар: 1 Узунлиги 250 м дан ортиқ бўлмаган суюқланма ўтказгичлар тармоғини учи берк тарзда лойиҳалашга рухсат берилади.

2 Суюқланма ўтказгични, қоидага кўра, бошқарув тугунлари учун ва ёнғин гидрантлари учун умумий қудуқлар ясаиш билан бир қаторда ёнғинга қарши сув ўтказгичлар билан битта қудуқда ётқизишни кўзда тутиши лозим.

8.19 Ёнғин пайтида ёнғин ўчириш барқарор суюқланма ўтказгичлар тармоғидаги эркин қисув, барқарор ўрнатилган ёки ёнғин тирсаклари ёрдамида уланувчи кўпик генераторлари киривида кўпи билан 60 м ва камида 40 м бўлиши лозим.

Ёнғин пайтида ёнғинга қарши сув ўтказгич тармоғидаги эркин қисувни қуйидагича қабул қилиш лозим:

ҳавзаларни барқарор қурилмалар воситасида совитилаётганда - суғориш халқаси техникавий тавсифномаси бўйича, бироқ суғориш халқаси сатҳидан камида 10 м; ҳавзаларни кўчма қурилмалар воситасида совитишда-ёнғин мўриларининг техникавий тавсифномалари бўйича, бироқ камида 40 м.

8.20 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналари ҳудудида қуйидагиларни қабул қилиш учун ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқариш ёнғин канализацияси кўзда тутилиши лозим:

а) ишлаб чиқариш оқава сувларини;

нефт маҳсулотлари бўлган бочкаларни, оқизиш-қуйиш қурилмалари бўлган майдончаларни, маҳсулот насос станцияларида тўшамаларни ва бошқаларни ювишдан ҳосил бўлган;

ҳавзалар атрофидаги;

б) оқизиш-қуйиш учун ва бошқа технологик ускуналари жойлашган очик майдончалардан чиққан ёмғир сувларини (ушбу сувлар нефт ёки нефт маҳсулотлари билан ифлосланиши мумкин), ҳавза паркнинг ёки идишларда нефт маҳсулотларини сақлаш ўралган майдончаларидан;

в) ёнғин пайтида ҳавзаларни совутишдан ажралган сувларни.

Изоҳлар: 1 Йилига 400 мм дан кам миқдорда ёнғин бўладиган ҳудудларда ҳавза паркларининг ўралган майдончаларидан ёмғир сувларини олиб кетиш учун ёмғир канализациясини кўзда тутмаса ҳам бўлади.

2 Миқдори 5 м³/суткадан ортиқ бўлмаган, маҳаллий тозалаш иншоотларида тозаланган чўмилиш ва ювиниш оқава сувларини, маиший канализация бўлмаганда, ишлаб чиқариш-ёмғир канализациясига қўйишига рухсат берилади.

Бош нефт ўтказгичлар ва нефт маҳсулотлари ўтказгичларнинг насос станциялари ҳавза паркларида маҳсулот ости сувларини қабул қилиши учун канализация кўзда тутилмайди.

8.21 Этилланган бензинларни сақлаш ва ишлатиш билан боғлиқ ҳавзалар ва технологик қурилмалардан ажралган оқава сувлар, шунингдек тетраэтил-қўрғошинга эга бўлган лабораторияларнинг оқава сувлари алоҳида канализация воситасида шу сувларни тозалашга мўлжалланган тозалаш иншоот-ларига йиғилиши ёки алоҳида (бино-дан ва қурилмалардан ташқаридаги) йиғгичларга йиғилиб махсус ажратилган жойларга олиб чиқиб кетилиши лозим.

Кўрсатилган оқава сувлар учун айрим канализация қуйидаги ҳолларда кўзда тутилади:

омборхонанинг тозаланган оқава сувларини ҳовуз – буғлатгичларга чиқариб ташланади;

омборхонанинг ишлаб чиқариш оқава сувларининг умумий миқдори суткасига 100 м³ дан ортиқ бўлмаганда ҳамда уларни озонлагич қурилмаларда қўшимча тозаланганда.

8.22 Нефт ва нефт маҳсулотлари ҳавзаларини тозалашда ажралган оқава сувларни канализация тармоғига ташлашга рухсат берилмайди. Бу оқава сувлар йиғиш - бўлаклаш уланмаси қувурўтказгичлар бўйича шламйиғгичларга юборилиши ҳамда шламйиғгичларда тиндирилгандан сўнг ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқариш-ёмғир канализация тармоғи орқали омборхонанинг тозалаш иншоотларига йўналтирилиши лозим.

8.23 Ҳавза паркининг ўралган майдончасидаги ёмғир қабул қилгичлар, тўсувчи ўқ орқали ёки паркнинг ташқи тўсиғи (ўрамаси) ташқарисида жойлашган жойлардан ҳаракатга келтирилувчи қулф қурилмалар (илгичлар, сурилмалар ва б.) билан жиҳозлашлари лозим.

8.24 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарининг ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш-ёмғир канализациялари тармоғини ёнмайдиган материаллардан, қоидага кўра, ер остида лойиҳалаш лозим. Ишлаб чиқариш-ёмғир канализациянинг ўзиоқар қувурўтказгичлари камида 200 мм диаметрли бўлишлари лозим.

8.25 Темирйўл эстакадалари майдончаларида (оқиш-қуйиш қурилмалари бўйлаб) ёмғир қабул қилгичларга нишобли очиқ тарновлар кўзда тутилиши лозим.

8.26 Ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқариш-ёмғир канализацияси кудуқларида (баландлиги камида 0,25 м бўлган) гидравлик қулфлар ўрнатилиши кўзда тутилиши лозим:

канализациянинг бош тармоғида - ҳар 400 м ўтказиб;

биноларда чиқувда (маҳсулот насос станциясида, қуйишда, лабораторияда ва б.) ҳавза паркнинг ўралган майдончаларида жойлашган, - ўрама (тўсиқ) ташқарисида жойлашган ёмғир қабул қилгичнинг чиқувида;

оқиш-қуйиш қурилмалари майдончаларида (темирйўл ва автомобил цистерналарига) жойлашган ёмғир қабул қилгичларнинг чиқувида;

нефт тутқичдан кейин ва олдинда, ундан камида 10 м масофадаги канализация тармоғида.

8.27 Ишлаб чиқариш оқава сувлари ва ёмғир сувлари (нефт ва нефт маҳсулотлари билан ифлосланган) омборхонанинг маҳаллий тозалов иншоотларида тозаланишлари лозим. Тозалов иншоотлари таркиби ва ушбу сувларни тозалаш даражаси уларни келгусида ишлатилиши билан (айланма сув таъминоти, буғлатиш, нефт конларида сув бостиришда, саноат тармоғининг ёки қўшни корхонанинг тозалов иншоотларига чиқаришга, ховузга тушириб юборишга ва ҳоказо) белгиланади.

9.28 Нефт ва нефт маҳсулотларининг ишлаб чиқариш оқава

сувларидаги ифлосликлар қуюқланмасини (лойиҳалашга топшириқда маълумотлар бўлмаганда) 7-жадвал бўйича қабул қилинади.

8.29 Ишлаб чиқариш-ёмғир канализацияси тармоғи ва иншоотларининг ўтказиш қобиляти оқава сувларни ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларидан қабул қилишга ҳисобланиши ҳамда ушбу ҳисобий сарфларнинг энг каттасига мўлжалланиши лозим:

бош нефтўтказгичлар ва нефт маҳсулотлари ўтказгичлар насос станциялари ҳавза паркларидан ташқари битта энг катта ҳавзадан ажралувчи маҳсулот ости сувларига;

7-жадвал

| Оқава сувлар тури | Ифлосликлар қуюқланмаси, мг/л | | |
|--|-------------------------------|---------------------------|-----------|
| | муаллақ моддалар | нефт ва нефт маҳсулотлари | БПК тўлик |
| 1. Оқиш-қуйиш қурилмалари ва бошқа технологик ускуналар учун майдончаларни ювишдан, шу майдончалардан ёмғир сувларидан маҳсулот насос станцияларидан, қуйиш ўринларидан, лабораториялар ва б. оқава сувлар | 600 | 1000 | 200 |
| 2. Ҳавзаларда маҳсулотлардан ажралган сувлар: нефт маҳсулотларидан (мазутлардан ташқари) нефтдан ва мазутлардан | 20 100 | 8000 10000 | 80 100 |
| 3. Нефт маҳсулотларидан бўшаган бочкаларни ювишдан оқава сувлар | 50 | 12000 | 200 |
| 4. Ҳавза паркиннинг ўралган майдончасидан ёмғир сувлари | 300 | 20 | 8 |

оқиш-қуйиш қурилмалари учун очиқ майдончаларидан ёмғир сувларига;

ҳавза паркиннинг ўралган майдончасидан ростланувчи ташловда ёмғир сувларига;

ёнғин пайтидаги ростланувчи ташловда ҳавзаларни совитишдан.

Изоҳ: Ҳавза паркиннинг ўралган майдончасидан ёмғир сувларининг ёки ёнғин пайтида ҳавзаларни совитишдаги сувнинг ҳисобий сарфи ростланувчи

ташловда, ушбу сувнинг паркиннинг ўралган майдончасидан 24 соат мобайнида олиб кетиш шартидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

8.30 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарида ишлаб чиқариш ва ёмғир оқава сувларини механик тозалаш учун қуйидаги асосий тозалаш иишоотларидан фойдаланиш лозим:

кумни тутқичлардан нефтни тутқичлардан, флотация курилмаларидан ҳавза-тиндиргичлардан, ҳовузча-тиндиргичлардан ва ҳовузча-буғлатгичлардан. Тетра-этилқўрғошин билан ифлосланган оқава сувларни тозалаш учун, қоидага кўра, оқава сувларни 30 сутка давомида тиндиришга мўлжалланган (шимолий қурилиш-иклимий зона минтақалардан ташқари) озонатор-қурилмалар ёки ҳовузча-тиндиргичлар кўзда тутилиши лозим.

8.31 Ўтказиш қобилияти 15 л/с дан ортиқ бўлмаган нефттўтказгичларни йиғилган нефт ва нефт маҳсулотларини жамлаш ҳавзаси ҳамда насосларни ўрнатиш бўлмаси билан битта блокка бирлаштиришга рухсат берилади.

8.32 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарининг ер ости канализация иншоотлари (ҳовуз тиндиргичлар, ҳовуз-буғлатгичлар, шламйиғгичлар ва б.), шунингдек, авариявий ер ости омборлари (ҚМҚ ушбу бобининг 2.3-бандига қаранг), ер ости тупроқларининг нефт ва нефт маҳсулотлари билан ифлосланишидан истисно қилиш учун нишоблар ва тублар филтрланишга қарши ҳимояга (полимер пардалардан, лойдан ва ҳоказодан экранларга) эга бўлишлари лозим.

Барча ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш ёмғир канализацияда (нефт тутқичларда, ҳовуз тиндиргичларда, флотациявий курилмаларда ва бошқаларда) тутиб олинган нефт ва нефт маҳсулотларини, насос билан 10 минут давомида бўшатиш шартидан аниқланувчи, лекин барча ҳолларда ка-

мида 5 м³ сигимли ҳавзага йиғиш кўзда тутилиши лозим.

8.34 Тутилган нефт ва нефт маҳсулотларини сўриш учун канализациявий насос, станцияларини маҳсулот насос станцияларнинг омборхоналарни лойиҳалаш меъёрлари бўйича лойиҳалаш лозим.

8.35 Тозалаш иншоотларида тутилган нефт ва нефт маҳсулотларини сувсизлантириш (ажратувчи ҳавзаларни), омборхонанинг тозалаш иншоотларига (буфер ҳавзаларга) келувчи оқава сувлар миқдорини ростлаш учун барқарор қопқоқли ер усти ҳавзаларини ҳамда ҳавза - тиндиргичларни ҚМҚнинг нефт ва нефт маҳсулотлари учун ҳавза парклар ва ҳавзалари учун ушбу боби белгиланган меъёрларини мос тарзда лойиҳалаш лозим. Кўрсатилган ҳавзалар учун ёнғин ўчириш кўзда тутилмайди.

8.36 Нефт ва нефт маҳсулотлар омборхоналарининг канализациявий насос станцияларида битта хонада ишлаб чиқариш оқава сувларини тутилган нефт ва нефт маҳсулотларини, канализациявий тозалаш иншоотларидан чўкмаларни (нефт тутқичларни, флотация курилмаларини ва б.), шунингдек, майший оқава сувларни сўриш учун насосларни ўрнатишни кўзда тутишга рухсат берилади.

9 Иссиқлик таъминоти, иситиш ҳамда шамоллатиш

9.1 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналари бинолари, ва иншоотларининг иссиқлик таъминотини, иситишни ва шамоллатишни иссиқлик тармоқларини, қозонхона курилмаларини, иссиқ сув таъминотини,

иситишни, шамоллатишни ҳамда ҳавони совитишни лойиҳалаш меъёрларига ҳамда ушбу бўлим меъёрларига мос тарзда лойиҳалаш лозим.

Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналари учун, қоидага кўра, (иссиқлик тармоқларидан) марказлаштирилган иссиқлик таъминоти кўзда тутилиши лозим; асосланган ҳолдагина, истисно тарзида омборхона қозонхонасидан иссиқлик билан таъминлашга йўл қўйилади.

Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарининг бинолари ва иншоотларини иситиш ва шамоллатиш учун иссиқлик ташувчи сифатида, қоидага кўра, ҳарорати 150°C дан юқори бўлмаган иссиқ сувдан фойдаланиш лозим.

Омборхонада технологик истеъмолчилар бўлган ҳолда ҳарорати 130°C дан юқори бўлмаган сув буғидан фойдаланишга рухсат берилади.

9.4 Портлаш ҳавфи, портлаш ёнғин ҳавфи ва ёнғин ҳавфи бўлган ишлаб чиқаришли омборхона хонаси тўшамасн остидан иситиш қувурўтказгичларини ётқизишга рухсат берилмайди, уларни эшик ва дарвоза олдида ётқизиш бундан истиснодир; қувурўтказгичларни эшиклар ва дарвозалар олдида хандақларда ётқизиш, тўлиқ кум билан тўлдириш ва олинадиган тахта-лар билан ёпиш кўзда тутилиши лозим.

8-жадвал

| Нефт ва нефт маҳсулотлари (бинода, хонада) | Ҳаво алмашинувининг 1 соатдаги такрорийлиги | |
|---|---|---------------------------------------|
| | Олтингургурт бирикмалари йўқлигида | Олтингургурт бирикмалари борлигида |
| 1. Юқори миқдор олтингургуртли нефт (олтингургурт миқдори 2% дан ортиқ) | | 10 |
| 2. Нефт (юқори миқдор олтингургуртлардан ташқари) | 6,5 | 8 |
| 3. Этилланган бензин | 13,5 | 13,5 |
| 4. Этилланмаган бензин | 6 | 8 |
| 5. Бензол | 12 | 17 |
| 6. Керосин, дизел ва мотор учун ёқилғи, битум ва мазут | 5 | 7 |
| 7. Суртма мойлар, парафин (эритувчилар бўлмаганда) | 3,5 | 5,5 |
| 8. Ишлатувдан чиққан нефт маҳсулотлари | 12 | 12 |

Изоҳлар: 1 Шамоллатиш учун ҳавоалмашинув карралиги ҳаво миқдорини аниқлашда хоналар баландлигини (амалда қандайлигидан қатъий назар) 6 м га тенг, деб қабул қилиши лозим.

2. Ҳарорати 80°C дан юқори бўлган нефт ва нефт маҳсулотлари жойлашган хоналарда ҳаво алмашиш карралигини нефт учун (жадвалнинг 1 ва 2 бандлари бўйича) 1,2 коэффициент билан ва қолган нефт маҳсулотлари учун 1,5 коэффициент билан олиши лозим.

3. Иситилмайдиган омборхона хоналарида идишлардаги нефт маҳсулотлари (уларнинг туридан қатъий назар) учун ҳаво алмашишини соатига камида бир карра қилиб қабул қилиши лозим.

4. Нефт ва нефт маҳсулотларидан (уларнинг туридан қатъий назар) даставвал

тозаланган оқава сувларни сўриши учун канализациявий насос станциялари хоналарида ҳаво заланган оқава сувларни сўриши учун канализациявий насос станциялари хоналарида ҳаво алмашинувни соатига беш карра қилиб олиши лозим.

9.5 Зарарли моддалар миқдори ҳақидаги маълумотлар йўқлигида нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналари бинолари ва хоналарида ҳаво алмашинув карралигини 8-жадвал бўйича қабул қилишга рухсат берилади.

9.6 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналари биноларидаги, иншоотларидаги ва хоналаридаги шамоллатишни 9-жадвалга мос тарзда қабул қилиш лозим.

10 Электротехник қурилмалар, алоқа ва автоматлаштириш

10.1 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарининг электротехник қурилмаларини электрқурилмаларни ўрнатишнинг собиқ СССР Энергетика вазирлиги тасдиқлаган Қоидаларига (ЭЎҚ), электр таъминотни, саноат корхоналарининг куч ва ёритиш ускуналарини лойиҳалашнинг собиқ СССР Давлат қурилиши тасдиқлаган йўриқномаларига ҳамда ҚМҚ3.05.06-97 га мос тарзда лойиҳалаш лозим.

10.2 Нефт ва нефт маҳсулотларининг омборхоналари электр қабул қилгичларининг электр таъминоти ишончилигини таъминлаш жиҳатидан тоифаларини қуйидагича қабул қилиш лозим:

биринчи тоифа - омборхоналар (базалар) маҳсулот насос станцияларининг экспорт муолажаларини бажаришга мўлжалланган, ҳамда барча нефт ва нефт маҳсулотлари ёнғинга қарши насос станцияларининг электр қабул қилгичлари;

иккинчи тоифа - нефт ва нефт маҳсулотларини сақлаш ва улар билан турлича истеъмолчиларни ҳамда I ва II тоифа жўнатиш омборхоналарини таъминлаш учун I ва II тоифа омборхоналар маҳсулот насос станцияларининг электр қабул қилгичлари;

учинчи тоифа - нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарининг электр таъминоти ишончилиги бўйича биринчи ва иккинчи тоифа таърифларига тўғри келмайдиган барча бошқа электр қабул қилгичлари.

Изоҳ: Электр қабул қилгичларнинг нефтни қайта ишлаш ва нефт-кимёвий кор-хоналари маҳсулот-хомашё омборхона (парк)ларининг магистрал нефтўтказгичлар ва нефт маҳсулот ўтказгичлар насос станциялари қошидаги ҳавза паркларнинг, шунингдек корхоналар (саноат, нақлиёт, энергетика ва б. корхоналари) таркибига кирувчи нефт маҳсулотлари омборхоналарини электр таъминоти ишончилигини таъминлаш жиҳатидан тоифалари кўрсатилган хоналар ва насос станцияларининг электр таъминоти ишончилиги бўйича электр қабул қилгичларнинг тоифасини аниқлаш пайтида белгиланади.

10.3 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарида табиий ва сунъий ёритишни ҚМҚ нинг лойиҳалаш бўйича бобига мос тарзда кўзда тутилиши лозим.

Омборхоналарда ташқи, жумладан, химоя ёритиши бўлиши лозим. Ҳавза паркларини ёритиш учун, одатга кўра, ҳавза паркиннинг ташқи тўсиғи (ўрамаси)дан бевосита ташқарисида жойлашган минора-

ларда ўрнатилган прожекторларни қўллаш лозим.

I ва II тоифа омборхоналарнинг сатҳи 250 м² дан катта маҳсулот насос станциялари хоналарида, шунингдек, операторлар ва диспетчерлар учун хоналарда авариявий ёритишда кўзда тутилиши лозим.

10.4 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналари телефон алоқаси билан жиҳозланиши лозим.

I ва II тоифа омборхоналарининг ёнғин деполари энг яқин ёнғин

қисми (аҳоли яшайдиган манзил ёки маҳкамавий ёнғин ҳимояси) билан бевосита телефон алоқага ҳамда омборхона станцияси коммутатори билан телефон алоқага эга бўлиши лозим.

Изоҳ. II тоифа омборхоналарда, маҳаллий шароитларга боғлиқ равишда ёнғин депонинг энг яқин ёнғин қисми билан бевосита телефон алоқаси ўрнига аҳоли яшаш манзилининг АТС орқали боғланиши кўзда тутишига рухсат берилади.

9-жадвал

| Биолар, иншоотлар ва хоналар | Шамоллатиш | |
|--|---|--------------|
| | сўрилувчи | оқиб келувчи |
| 1. Маҳсулот насос станцияларининг ҳар бирини ҳажми 300 м ³ бўлганда насослар учун хоналар; қуйиш, қадоқлаш ва тарқатиш хоналари; маҳсулот насос станцияси учун ҳар бир хонаси ҳажми 300 м ³ ва ундан ортиқроқ бўлганда ва унда доимо ҳизматчи ходимлар мавжудлигида, хоналар; ишлаб чиқариш оқава сувларини сўриш учун канализация насос станциялари ҳамда ушбу оқова сувларнинг, доимо ҳизматчи ходимлар бўладиган қабул ҳавзаларига хоналар. | Этилланган бензинни сўришда насослар ёғдонидан маҳаллий сирқишлар ҳайдалаётган ҳавонинг юқори зонасидан 1/3 қисми ва механик паст зонадан ҳайдалаётган ҳавонинг 2/3 қисми; авариявий шамоллатиш (А ва Б тоифа хоналарда) юқори зонадан табиий 1/3 ҳажмда ва пастки зонадан 2/3 ҳажмда механик ҳайдаладиган ҳаводан (даврий ишловчи) | Механикавий |
| 2. Маҳсулот насос станциялари насослари учун ҳар бир хона ҳажми 300 м ³ ва ундан кичик бўлганда хоналар; маҳсулот насос станциялари ва бошқа технологик ускуналар сурилмалари қисмлари, канализациявий насослар, ишлаб чиқариш оқава сувларини (нефт ва нефт маҳсулотлари билан бирга) сўриш ҳамда шу сувларни қабул қилиш ҳавзалари (ҳизматчи ходимлар қисқа муддат бўладиган) учун хоналар | Табиий (дефлекторли) Соатига уч карра ҳаво алмашиш ҳисобидан механик умумалмашинув ва маҳаллий сирқишлар | Табиий |
| 3. Идишлардаги нефт маҳсулотлари учун иситилмайдиган омборхона хоналари | | Табиий |
| 4. Нефт ва нефт маҳсулотларини таҳлил қилиш учун лаборатория хоналари | | Механикавий |
| 5. Электр юритгичлар, таксимот жойлари, сигнализация ва автоматлаштириш тахталари учун хоналар ҳамда электр қурилмалар учун бошқа хоналар (портлаш ҳавфи ва портлаш ёнғин ҳавфи бўлган ишлаб чиқариш хоналарига қўшни) | ЭҚЛ га мос тарзда | |

| | |
|--|---|
| 6. Алоқа тутунлари хоналари (аккумуляторларни ҳам қўшиб қараганда) | Ишлаб чиқариш ва ёрдамчи биноларга белгиланган тартибда тасдиқланган, почта ва сим алоқа воситаларини технологик лойиҳалаш маҳкамавий меъёрларга мос тарзда |
| <p><i>Изоҳлар: 1 Лаборатория хоналаридан олиб кетилувчи ҳаво ҳажми келувчи ҳаво ҳажмидан 10 % ортиқ бўлиши лозим.</i></p> <p><i>2 Нефтни қайта ишловчи ва нефт-кимёвий корхоналарнинг маҳсулот-хомашё омборлари (парклари) ёки ушбу корхоналар ҳудудида жойлаштирилувчи нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарининг бинолари, иншоотлари ва хоналарини шамоллатишни Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан белгиланган тартибда келишилган нефтни қайта ишлаш ва нефт-кимёвий корхоналарнинг иситишни ва шамоллатишни лойиҳалаш маҳкамавий меъёрларига мос тарзда лойиҳалаш лозим.</i></p> <p><i>3 Ижроси жиҳатдан шамоллатиш ускуналари хоналарнинг портлов ёнгин ва ёнгин ҳавфи тоифасига, электр юригичлар эса, -Электр қурилмаларини ўрнатиш қоидалари (ЭЎҚ) талабларига мос бўлиши лозим.</i></p> | |

10.5 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарида автоматик ёнгин даракчиси билан қуйидагилар жиҳозланиши лозим:

а) магистрал нефт маҳсулоти ўтказгичларнинг омборхоналаридаги ҳавза паркларидаги маҳсулот насос станцияларидаги, тутилган нефт ва нефт маҳсулотларнинг ҳар бири сатҳи 300 м² дан кичик бўлган канализациявий насос станциялари биноларидаги насослар ва сурилмалар тутунлари учун бинолар;

б) магистрал нефт ўтказгичларнинг ҳавза парклари маҳсулот насос станциялари биноларидаги, станциянинг ишлаб чиқариш қобилияти 1200 м³ соатдан кичик бўлганда, насослар ва сурилмалар қисмлари учун хоналар;

в) идишлардаги нефт маҳсулотлари учун сатҳи 100 дан 500 м² гача бўлган омборхона хоналари;

г) 15 кг/м² дан ортиқ микдорда нефт ва нефт маҳсулотлари бўлган, 100 дан 500 м² гача сатҳли нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарининг қуйиш, тарқатиш, қадоклаш ва бошқа ишлаб чиқариш хоналари.

Изоҳлар. 1 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарида ҳимоя даракчисини ўрнатиш лозим бўлганда, автоматик ҳимоя ёнгин даракчиси кўзда тутилиши лозим.

2 Омборхонанинг автоматик ёнгин даракчиси кўзда тутилмайдиган бинолари ва иншоотлари қўлда бажариладиган электрик ёнгин даракчиси билан жиҳозланиши лозим.

3 Автоматик ёнгин ўчириш барқарор қурилмалари билан жиҳозланган нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарининг бинолари ва хоналарини, шунингдек энг яқин ёнгин қисми билан доимий (бугун сутка давомида одамлар борлигида) телефон алоқа билан жиҳозланган III тоифа омборхоналарнинг бинолари ва хоналарини автоматик ёнгин даракчиси билан жиҳозлаш кўзда тутилмайди.

10.6 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарини лойиҳалашда собиқ, СССР Кимё саноати Вазирлиги ва нефт-кимё саноати Вазирлиги тасдиқлаган ҳамда ЎЗР давлат қурилиши, нефт ва кимё саноати ишчилари касабасининг МҚ ва ЎЗР Давшаҳартехника назорати билан келишилган, кимё, нефт-кимё ва нефтни қайта ишлаш саноати ишлаб чиқаришида статик электрдан ҳимоя Қоидаларига мос тарзда статик

электрдан химоя кўзда тутилиши лозим.

Изоҳлар: 1 Оқизиш-қувиш қиргоқларини ва пирсларини лойиҳалашда қувиш кемаларини химоявий ерлаштириши, оқизиш-қувиш қурилмаларини яшиндан ва статик электрдан химоялаш кўзда тутилиши лозим.

2 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарида катод химоя станцияларини лойиҳалашда технологик ускуналарни ерлаштиришини протекторлар воситасида амалга ошириш кўзда тутилиши лозим.

10.7 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналарида уларни қабул қилиш, тарқатиш ва сақлаш (маҳсулот сатҳини, ҳароратини ўлчаш ва ҳоказо) жараёнларини механикалаштириш ва автоматлаштириш кўзда тутилиши лозим.

Омборхоналарга нефт ва нефт маҳсулотлари магистрал қувурўтказгичлар орқали келтирилганда қувурўтказгичларни ва омборхона арматурасини улар учун белгиланган меъёрий босимдан ортиқ босимнинг таъсиридан химоя кўзда тутилиши лозим.

11 Иккинчи гуруҳ омборлари. Иккинчи гуруҳ омборхоналарини лойиҳалаш меъёрлари

11.1 Корхоналар (саноат, нақлиёт, энергиявий ва б.) таркибига кирувчи нефт маҳсулотлари омборхоналарида енгил алангаланувчи ва ёнувчан нефт маҳсулотларини 10-жадвалда кўрсатилган умумий ҳажмли ҳавзаларда ва идишларда сақлашга рухсат берилади.

11.2 I ва II даражали оловга бардошли ишлаб чиқариш биноларида II-жадвалда кўрсатилган миқдорларда нефт маҳсулотларига эга бўлишга рухсат берилади.

11.3 Иккинчи гуруҳ омборхоналарида нефт маҳсулотларини сақлаш ва тақсимлаш билан боғлиқ бўлган хоналар нефт маҳсулотларини идишларда ва ҳавзаларда сақлаш омборхона хоналари, мой регенерация қурилмалари, маҳсулот насослари, қувиш, қадоқлаш ва тарқатиш хоналари, идиш ювиш, эмулсол қайнатиш, қириш материаллари регенерацияси, бўш идишларни сақлаш, лабораториялар ва б. (ҚМҚнинг ушбу боби 1.7-бандига мос равишда) битта бинода жой-лаштирилиши лозим.

10-жадвал

| Нефт маҳсулотлари | Омборхона сизими, м ³ қуйидагича сақлашда | |
|--|--|-----------|
| | ер устида | ер остида |
| Енгил алангаланувчи | 2000 | 4000 |
| Ёнувчан | 10000 | 20000 |
| <p><i>Изоҳлар: Енгил алангаланувчи ва ёнувчан нефт маҳсулотларини бир вақтнинг ўзида ер устида ва ер остида сақлашда бундай омборхонанинг келтирилган сизими жадвалда келтирилган сизимдан ортиқ бўлмаслиги лозим, бунда келтирилган қуйидаги ҳисоб асосида аниқланади: енгил алангаланувчи нефт маҳсулотининг 1 м³ миқдори ёнувчаннинг 5 м³ га тенглаштирилади ҳамда ер устида сақлашда 1 м³ сизими ер остида сақлашдагининг 2 м³ га тенглаштирилади.</i></p> <p><i>2. Жадвалда кўрсатилганидан каттароқ сизимли иккинчи гуруҳ омборхоналарини лойиҳалаш I гуруҳ омборхоналарини лойиҳалаш меъёрлари бўйича амалга оширилиши лозим.</i></p> | | |

Маҳсулот насослари ҳамда нефт маҳсулотларни идишларда ва ҳавзаларда сақлаш хоналари қолган хоналардан алангаланиш чегараси камида 0,75 соат бўлган ёнмайдиган тўсиқлар билан ажратилишлари

лозим. Бу тўсиқларнинг эшик оралиқлари ўрнида ўтга бардошлиги чегараси камида 0,6 соат бўлган ўзи ёпилувчи эшиклар ва баландлиги 0,05 м бўлган остоналар (пандусли) кўзда тутилиши лозим.

11-жадвал

| Сақлаш шароитлари | Нефт маҳсулотлари миқдори (ҳавзаларда ва идишларда), м ³ | |
|---|---|---------|
| | енгил алангаланувчи | ёнувчан |
| 1 Кўшни хоналарда оловбардошлик чегараси 0,75 соат бўлган ёнмайдиган тўсиқлар билан бўлинган ва ташқарига чиқувга эга бўлган маҳсус хонада. | 30 | 150 |
| 2. Г ва Д тоифали ишлаб чиқаришли хоналарда | 1 | 5 |
| 3. Ер ости хоналарда | Йўл қўйилмайди | 300 |

Изоҳлар: 1 Моторсинаш станцияларнинг сарф ҳавзалари синаш станцияларидан ташқарида ўрнатилиши лозим.

2 Ишлаб чиқариш биноларида ўрнатиловчи якка ва умумий сизими енгил алангаланувчилар учун 1 м³ дан ортиқ ва ёнувчилар учун 5 м³ дан ортиқ ер усти нефт маҳсулотлари сарфий ҳавзалари авария қувур ўтказгичлари (ўзи оқиб бўшаётганда диаметри камида 100 мм ли) воситасида бинодан ташқарида бўш оралиқларсиз девордан камида 1 м бўш оралиги бўлганидан 5 м масофада жойлашган ер остидаги авариявий ҳавза билан уланишлари лозим. Агар нефт маҳсулотли сарф ҳавзаларида (ўлчагичларнинг, ёқилги бочкаларининг ва ш.ў.) асосий сизим ҳавзаларига ўзича оқиб чиқиши таъминланса, авариявий ҳавзаларни кўзда тутмасан ҳам бўлади.

Авариявий ҳавзанинг сизими барча сарфий ҳавзалар сизимининг камида 30% га ҳамда камида энг катта ҳавза сизимига тенг бўлиши лозим. Сарфий ҳавзаларни авариявий ҳавза билан оловчи ҳар бир авариявий қувурўтказгичда, бино ташқарисида ёки биринчи қаватда (иложи борича ташқарига чиқувга яқин жойда) ўрнатиладиган ёпиш қурилмаси бўлиши лозим. Авариявий қувурўтказгичлар аланганинг кўчиши имконининг олдини оловчи қурилмалар билан жиҳозланиши лозим.

Хонада ўрнатилган сарфий ҳавзаларнинг ўзи оқиши орқали бўшатилиши имкони бўлганда, уларга нефт маҳсулотларнинг, бошқа хонада ёки бинодан ташқарида жойлаштирилувчи насослар воситасида сўриш имкони кўзда тутилиши лозим.

3. Мойлар сақланадиган ҳавзалар ва идишлар ертўла хоналарда жойлаштирилганда уларнинг сони 400 м³ гача оширилиши мумкин. Ушбу ҳавзалардан авариявий тўкиши қурилмасига эҳтиёж йўқдир.

4. Енгил алангаланувчи ва ёнувчан нефт маҳсулотларининг бугларини ҳавзадан, ҳавза ўрнатилган хонага чиқаришига рухсат этилмайди.

11.4 Нефт ва нефт маҳсулотлари омборхоналаридан корхоналарнинг бинолари ва иншоотларигача масофани СНиП II-89-80 га, турар-жой ва жамоат биноларигача масофани эса, ҚМҚ2.07.01-94 га мос тарзда қабул қилиш лозим.

11.5 Корхоналарнинг тўсилган майдончаларида жойлашган нефт маҳсулотлари омборхоналари айрим тўсиққа эга бўлмаслиги лозим.

11.6 Нефт маҳсулотлари учун ер усти ҳавзаларидан омборхоналарнинг бинолари ва бошқа

иншоотларигача масофа 12-жадвал бўйича қабул қилиниши лозим.

11.7 Маҳсулот насос станцияларидан ҳамда идишлардаги нефт маҳсулотлари учун омборхона би-

ноларидан масофа енгил алангаланувчи нефт маҳсулотлари учун камида 10 м ва ёнувчан нефт маҳсулотлари учун 8 м бўлиши лозим.

12-жадвал

| Жойлашиш жойларигача масофа ўлчанадиган | Нефт маҳсулотлари учун ер усти ҳавзаларигача масофа, м | |
|---|--|---------|
| | алангаланувчан | ёнувчан |
| бинолар ва иншоотлар | | |
| 1. Маҳсулот насос станциялари, куйиш, қадоклаш ва тарқатиш бинолари ва майдончалари | 10 | 8 |
| 2. Идишларда нефт маҳсулотларини сақлаш учун темирйўл ва автомобиль цистерналарига оқизиш-куйиш омборхона бинолари ва майдончалари, омборхонанинг бошқа бинолари ва иншоотлари | 15 | 10 |
| 3. Электр узатиш ҳаво линиялари | ЭЎҚ бўйича | |
| <p><i>Изоҳлар: 1. Жадвалнинг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган масофаларни ер ости ҳавзалари ҳолида 50% га камайтириши лозим.</i></p> <p><i>2 Ёнувчан нефт маҳсулотлари ер ости ҳавзаларидан ҳамда алангаланиш ҳарорати 120°C дан юқори бўлган нефт маҳсулотлари учун ер усти ҳавзаларидан маҳсулот насос станцияларигача масофалар меъёрланмайди.</i></p> <p><i>3 Ер ости ҳавзаларини бошқариш ва назорат қилиш пунктлари хоналарини шу ҳавзаларга бевосита яқин жойлаштиришига рухсат берилади.</i></p> | | |

11.8 Ер усти ҳавзаларидан идишлардаги ва ҳавзалардаги нефт маҳсулотлари учун омборхона биноларидан маҳсулот насос станцияларидан, темирйўл ва автомобил цистерналари учун куйиш,

қадоклаш ва тарқатиш, тўкиш-куйиш қурилмаларигача ҳамда нефт маҳсулотлари учун куйиш сиғимларидан темир йўллар ва автомобил йўлларигача масофани 13-жадвалдан олиш лозим.

13-жадвал

| Йўлларгача қабул қилинадиган масофа | Нефт маҳсулотлари бинолар ва иншоотларгача масофа, м | |
|---|--|---------|
| | енгил алангаланувчи | ёнувчан |
| 1 Умумий тармоқ темирйўл излари ўқигача | 50 | 30 |
| 2. Корхонанинг ички темирйўл излари ўқигача | 20 | 10 |
| 3. Умумий тармоқ автомобил йўлларининг юриш йўли четигача | 15 | 10 |
| 4. Корхона ички автомобил йўлларининг юриш йўли четигача | | |
| <p><i>Изоҳлар: 1 Ер ости ҳавзалари ҳолида жадвалда кўрсатилган масофаларни 50% га камайтириши лозим</i></p> <p><i>2 Алангаланиш ҳарорати 120°C дан юқори бўлган идишлардаги нефт маҳсулотлари учун омборхона биноларидан корхонанинг ички темирйўл изларигача масофани қурилмаларнинг темирйўл изларига яқинлашиш ўлчамларига кўра ГОСТ 9238-83 га мос тарзда қабул қилишига рухсат берилади.</i></p> | | |

11.9 Нефт маҳсулотларини тарқатиш минораларидан корxonанинг бинолари ва иншоотлари-

гача масофани 14-жадвалдан қабул қилиш лозим.

14-жадвал

| Уларгача масофа қабул қилинадиган бинолар ва иншоотлар | Тарқатиш минораларидан масофа, м |
|---|----------------------------------|
| 1. I, II ва III даражали оловбардошли бинолар- бўш ораликларсиз деворлардан | 3 |
| 2. Ўшанинг ўзи, бўш ораликли деворлардан | 10 |
| 3. IV ва V даражали оловбардошли бинолар | 20 |
| 4. Омборxonанинг ер усти ҳавзалари | 12-жадвалдан |
| 5. Тарқатиш минораларига хизмат қилувчи ер ости ҳавзалари, қувурўтказгичлар ва кабеллар (минораларга ўтказилганидан ташқари) | 4 |
| 6. Корxonанинг темирўл излари (из ўқигача) | 10 |
| <i>Изоҳ: Локомотивларни таъминлаш учун суюқ ёқилғи ва мойлар тарқатиш минорасини қурилмаларнинг темирўл изларига яқинлашиши ўлчамларига риоя қилган ҳолда ГОСТ 9238-83 бўйича жойлаштиришига рухсат берилади.</i> | |

11.10 Аҳоли яшайдиган манзиллардан ташқарида, шунингдек ёғоч тайёрлаш худудларида жойлашган корхона ва қурилишлар майдончаларида 12 м² дан ортиқ бўлмаган миқдорда енгил алангаланувчи нефт маҳсулотларини ёки 60 м³ дан ортиқ бўлмаган миқдорда ёнувчи нефт маҳсулотларини сақлаш учун иншоотларни камида 0,2 м қалинликда тупроқ қатлами билан (зичлаш билан) ёпиш ҳамда ёнмайдиган материаллардан тўшама яшаш шартида, ёнувчи материаллардан ер ости иншоотларини кўзда тутишга рухсат берилади.

11.11 Ҳавзаларни совитиш ва иккинчи гуруҳ омборxonаларида ёнғинни ўчириш учун сув беришни корxonанинг ташқи сув ўтказгичидан бериш сувнинг ҳисобий сув сарфини ҳамда тармоқда зарурий эркин қисув таъминланганда ёки ҚМҚ ушбу бобининг 8.9 бандига мос тарзда кўзда тутилиши лозим.

11.12 Иккинчи гуруҳ омборxonаларини лойиҳалашда ушбу бўлим меъёрларидан ташқари биринчи гуруҳ III-тоифа омборxonаларини лойиҳалашнинг ҚМҚ ушбу бобининг 2-10 бўлимида келтирилган тегишли меъёрларни ҳисобга олиш лозим.

Атамалар ва таърифлар

1 Асосий ёпқич қурилма - ҳавзанинг қабул-тарқатиш қузури олдида ўрнатилган ёпқич қурилма.

2 Зулфин тугуни - хоналарда, кудуқларда, усти ёпиқ шийпонларда ёки очик майдончаларда жойлаштирилиши мумкин бўлган, берилган технологик муолажаларни бажаришни таъминловчи зулфинлар гуруҳи.

3 Маҳсулот ости суви - ҳавзада нефт (нефт маҳсулотлари) сақланаётганда тубда йиғилиб қоладиган сув.

4 Маҳсулот насос станцияси - биноларда, усти ёпиқ шийпонда ёки очик майдончада ўрнатилган ҳамда нефт ва нефт маҳсулотларини сўришга мўлжалланган насос агрегатлари гуруҳи.

5 Оралиқ ҳавза (оқизиш-қуйиш эстакадалари олдида) - цистерналарни бўшатиш (тўлдириш) муолажаларини таъминлаш мақсадида нефтни қисқа муддат сақлашга мўлжалланган ҳавза.

6 Қуйилма - нефт маҳсулотларини бочка идишларга қуйишга мўлжалланган, асбоб ва қурилмалар билан жиҳозланган иншоот.

7 Кадоқлагич - нефт маҳсулотлари сифими 40 л гача бўлган кичик идишларга қуйиш муолажаларини бажаришни таъминловчи асбоблар ва қурилмалар билан жиҳозланган бино ёки иншоот.

8 Ҳавза парк - нефтни (нефт маҳсулотларини) қабул қилишга, сақлашга ва тарқатишга мўлжалланган, айланаси бўйича чекланган ҳудудда жойлаштирилган ҳавзалар гуруҳи (гуруҳлари):

ер усти ҳавзаларида ўралган ёки тўсувчи деворли;

ер ости грунтга ботирилган ёки грунтга кўмилган ҳавзалар ва хандақлар ёки ўраларда ўрнатилган ҳавзаларда- йўллар билан ёки ёнғинга қарши ўтувлар воситасида

9 Оқизиш-қуйиш қурилмаси - нефт на нефт маҳсулотларини темирйўл ёки автомобил цистерналари ва танкерларидан оқизиб олиш ёки уларга қуйиш бўйича муолажаларни бажаришни таъминловчи техникавий восита.

10 Оқизиш-қуйиш темирйўл эстакадаси - темирйўл цистерналаридан нефт ва нефт маҳсулотларини тўкиш ёки уларга қуйиш муолажаларини бажаришни таъминловчи тўкиш-қуйиш асбоблари ёки бошқа техникавий воситалар билан жиҳозланган махсус темирйўл изларидаги иншоот.

11 Каземат - ер ости пўлат ҳавза атрофидаги, баландлиги бўйича ҳавза деворининг устигача етмайдиган тиргович девор билан иҳоталанган, кенглиги камида 1 м бўлган халқавий йўлак-ўтув.

Мундарижа

| | Бет. |
|--|------|
| 1. Умумий ҳолатлар..... | 3 |
| 2. Биринчи гуруҳ омборлар. Бош режа..... | 5 |
| 3. Ҳавзалар парклари..... | 12 |
| 4. Идишларга солинган нефт маҳсулотлари учун омборхона бинолари ва иншоотлари..... | 14 |
| 5. Темирйўл оқизиш-қуйиш эстакадалари..... | 16 |
| 6. Қуйгичлар, қадоқлагичлар ва тарқатгичлар..... | 17 |
| 7. Маҳсулот насос станциялари ва лабораториялар..... | 18 |
| 8. Сув таъминоти ва канализация..... | 20 |
| 9. Иссиқлик таъминоти, иситиш ҳамда шамоллатиш..... | 29 |
| 10. Электротехник қурилмалар, алоқа ва автоматлаштириш..... | 31 |
| 11. Иккинчи гуруҳ омборлари. Иккинчи гуруҳ омборхоналарини лойиҳалаш меъёрлари..... | 37 |
| Илова. Атамалар ва таърифлар..... | 38 |